Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46 йил чиқиши
№ 142 (12.796).
20 июнь 1964 йил
Шанба
Баҳоси 2 тийин.

А. И. МИКОЯН ТОШКЕНТДА

Индонезия Муваққат халқ маслаҳат конгресси билан ўзаро ҳамкорлик халқ вакиллари кенгашининг таклифига биноан, жавоб визити билан Индонезияга бораётган СССР Олий Совети делегацияси 19 июнь кечқурун Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутати, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бошчилик қилмоқда. СССР Олий Совети депутатларидан А. Т. Гончар, А. А. Епишев, И. В. Капитонов, А. Қаҳҳоров, А. Н. Мясников, С. П. Павлов, С. Полимбетов, М. Ю. Саломзода, Г. И. Чоговадзелар делегация составида Тошкентга келишди.

Тошкент аэродромида А. И. Микоян билан делегациянинг бошқа аъзоларини КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари В. К. Акулинцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев (у ҳам СССР Олий Совети делегацияси составига киради), И. М. Нажесткин, Туркманистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Ғафуров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ва бошқалар кутиб олишди.

Кутиб олиш вақтида А. И. Микоянга ва СССР Олий Совети делегациясининг бошқа аъзоларига гулдасталар тақдим этилди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

Партиямиз халқнинг жуда кенг ташкилоти ва халқ бирлигининг тимсоли бўлган Советларнинг коммунистик қурилишдаги ролига жуда катта баҳо бермоқда. Бунда партия В. И. Ленининг Советлар ҳақидаги доҳиёна йўл-йўриқларига амал қилмоқда. Советлар, дарҳақиқат В. И. Ленининг ибораси билан айтганда, омма билан, халқнинг кўпчилиги билан шунчалик маҳкам, узилмас, осон текшириладиган ва янгиланадиган алоқа боғлайдики, илгариги давлат аппаратида бунга ўхшаш нарса асло бўлган эмас.

Советларнинг коммунистик қурилишда ўйнаётган ғоят катта роли социалистик демократиянинг тобора кенгайиб ва ривожланиб бораётганлигида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Биз В. И. Ленин томонидан илгари сурилган мақсадни амалга оширишга — гражданларнинг бевосита ҳаммасини давлат функцияларини бажаришга жалб қилишга яқинлашиб қолдик. ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИ ЖАМИЯТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШИ ЛОЗИМ. БИЗНИНГ ИШЛАРИМИЗ, ВАЗИФАМИЗ — АНА ШУ,— дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев партия XXII съездига қилган ҳисобот донладида.

Дарҳақиқат, Советлар давлат ва жамоат ташкилоти белгиларини ўзида мужассамлантириб бормоқда, ҳозирданоқ уларнинг фаолиятида омма кенг кўламда ва бевосита иштирок этмоқда. Ҳозирги вақтда республикамиздаги 986 та Советнинг составида 70288 депутат иш олиб бормоқдаки, уларнинг 43 процентга яқинини хотин-қизлар, 54 процентини партиясизлар, 65,7 процентини ишчи ва колхозчи ташкил этади.

Кейинги йилларда омманинг Советлар ишида актив қатнашишининг доимий комиссиялар каби ихчам ва таъсирчан формаси ривож топди. Бу комиссиялар составида 60 минг депутат, 33 мингга яқин активлар қатнашмоқда. Доимий комиссиялар сессияларда кўриладиган кўпгина масалаларни тайёрламоқда.

Халқ оммасининг Советларнинг ишида актив иштироки, меҳнаткашларнинг турли ташаббуснор жамоат ташкилотларининг кўпайётгани ва уларнинг актив иш олиб бораётганлиги ҳозирги даврда социалистик демократиянинг ривожлантиришнинг энг ёрқин далилидир. Маҳаллий Совет ижроия комитетларида штатсиз бўлимлар, шунингдек инструктор ва инспекторлар бўлиб, жамоат тартибида 5 мингга яқин киши ишламоқда.

Коммунистик партиямиз халқнинг энг оммавий ташкилоти бўлган Советлар олдига жуда катта ва хилма-хил вазифалар қўймоқда, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан кейин амалга оширилган катта ишлар Советлар фаолиятини айниқса ошириб юборди. Советлар кўпроқ меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш, халқ турмуши ҳақида ғамхўрлик қилиш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш каби муҳим масалалар билан актив равишда шуғулланмоқдалар. Маҳаллий Советлар ҳеч қачон ҳозиргидек уй-жой қурилишини кенгайтириш, коммунал-маиший корхоналар, медицина, маданий-оқартув ва бошқа муассасаларнинг ишлари билан бунчалик кўп шуғулланмаган эдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўладиган сессияси маҳаллий Советларнинг ташкилий-оммавий ишларининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирларини муҳокама қилади, бу соҳада коммунистик партиямиз раҳбарлигида қилинган катта ишларни якунлайди ва шу соҳада юз берётган камчиликларни тугатиш чораларини белгилайди.

Дарҳақиқат, Советларнинг ташкилий-оммавий ишларини кучайтириб юборган, доимий комиссияларнинг, турли жамоат ташкилотларининг фаолиятини авж олдириб юборган, халқ билан алоқасини мустаҳкамлаб, халқ олдида доим ҳисоб бериб турадиган, халқнинг маданий-маиший эҳтиёжлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келаётган юзлаб Советлар, минглаб депутатлар ва активистлар билан бир қаторда, ўз вазифаларини яхши бажармаётган, партиямиз XXII съезди ва КПСС Программаси қўйган талабларга муносиб иш олиб бормаётган Советлар ҳам бор.

Бу камчиликлар айрим жойларда маҳаллий Советлар сессияларининг ўз вақтида чақирилмаслигида, ижроия комитетлар ва депутатларнинг халқ олдида, сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб турмаслигида, меҳнаткашларга сессияларда кўриладиган масалалар ўз вақтида етказилмаслиги ва уларнинг муҳокамасида кенг халқ оммасининг актив иштирок этиши таъминланмаслигида, депутатларнинг сессияларда қилган таниқдий фикрлари ва таклифларига ижроия комитетларининг эътиборсиз қарашларида ва бошқа ҳолларда кўринмоқда.

1963 йил мобайнида 300 га яқин Совет сессиялар чақириш муддатини кечиктирганлиги, Сирдарё областида ҳамма район, шаҳар, кўпгина қишлоқ Советлари ўз вақтида сессиялар чақириб турмаганлиги нормал аҳвол эмас, албатта, Чирчиқ, Нукус, Беруний, Олмалиқ, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарларда сессияларнинг ўз вақтида чақирилиб турилишига нима тўсқинлик қилганлигини тушуниш қийин.

Коммунистик партиямиз социалистик демократия принципларини такомиллаштира боришни ва уларга қатъий риоя қилишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Советларнинг ва уларга сайланган депутатларнинг мунтазам ҳисоб бериб туриши, Советларнинг сессияларида давлатни бошқаришга, хўжалик ва маданий қурилишга оид барча муҳим масалаларни ошкора, эркин ва ҳар тарафлама муҳокама қилиш, ижроия комитетларнинг сессияларда ва халқ олдида ҳисоб бериб туриши, совет, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ишларидаги камчиликларни танқид қилиш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини янада яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб туриш бундан буён ҳам тўла амалга оширилиши лозим. Турмуш маданиятини юксалтириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти эканлиги масаласи Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумида муҳокама қилинганлиги партиямиз халқнинг маданий турмуш эҳтиёжларини янада яхшилашга жуда катта аҳамият бераётганлигининг ёрқин далили бўлиб, Советлар ва улар атрофида бирлашган барча ташкилотлар бу масалалар билан доимо шуғулланишларини, бу масалаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишларни тақозо қилади.

Партия Совет аппаратининг оддий, малакали, намчиқим ва оператив бўлишини, бюрократизм, формализм ва сансалорликнинг ҳар қандай кўринишларидан холи бўлишини талаб қилади. Ҳар бир совет ходимининг, ҳар бир депутатнинг бурчи доимо омма орасида бўлиш, халқ билан жонли алоқада тажриба орттириш, одамларнинг фикр ва орзуларини билиш, уларнинг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олишдан иборат.

Советлар олдида турган вазифалар беҳисоб кўп ва хилма-хилдир. Партиямиз XXII съезди, КПСС Программаси ва партия Марказий Комитети Пленумлари қўйган тарихий вазифаларни бажаришда халқнинг жуда кенг ташкилоти бўлган, халқ оммаси билан энг яқиндан алоқада бўладиган Советларнинг роли бундан буён ҳам яна кучайиб боради. Коммунистик партиямизнинг раҳбарлиги Советлар ўз олдида турган ғоят катта вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартидир.

КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахти меҳнаткашлари бу ерга расмий визит билан келган СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни қизғин кутиб олмоқдалар.
СУРАТДА: Копенгагеннинг ёш гражданлари Н. С. Хрушчевни табриклаяптилар.
Политикен—ТАСС фотоси. (Фототелеграф орқали қабул қилинган).

Ҳурмат тахтаси

ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ОБЛАСТЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЕЗИЛАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССР (область партия комитетининг секретари **К. КАМОЛОВ**, Автоном республика Министрлар Советининг Раиси **Й. АЙТМУРОДОВ**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри **В. БРИТОВ**, область комсомол комитетининг секретари **А. БАЛАКИН**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Д. СОЛИЕВА** ўртоқлар).

Иштихон ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **С. СУЛТОНОВ**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **А. ҲАБИБОВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **М. ИСТОМИН**, комсомол комитетининг секретари **А. ТИЛЛАЕВ**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Т. УСМОНОВ** ўртоқлар).

Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **А. БОБОЖОНОВ**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Р. МАТЕҚУБОВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **М. МАТКАРИМОВ**, комсомол комитетининг секретари **Ш. ЖАББОРОВ**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Г. АБДУЛЛАЕВА** ўртоқлар).

СОВЕТ—ДАНИЯ ХАЛҚЛАРИ АБАДИЙ БИРГА

ОДЕНСЕ ШАҲРИ Н. С. ХРУШЧЕВНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ОДЕНСЕ, 19 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Кеча кундузи Оденсе шаҳрининг кўчаларига минг-минглаб одамлар тўпланди. Улар Фюн ороли ининг пойтахтига келган Совет ҳукумати бошлиғини табрикламоқ учун кўчаларга чиқдилар. Шаҳар ратушаси Дания ва совет байроқлари билан безатилган эди. Оденсе бургомистри Х. Ларсен ратуша биноси олдида Никита Сергеевични ва унинг ҳамроҳларини шаҳар номидан табриклаб кутиб олди. Данияликлар, деди у, Совет ҳукумати бошлиғининг Данияга келишини Дания билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшилган ҳисса деб ҳисобламоқдалар. Никита Сергеевич жаноб Ларсенга шаҳар аҳолиси совет меҳмонларини хурсандлик билан кутиб олганлиги, илтифот билан қараб яхши сўзлар айтганлиги учун қизғин ташаккур изҳор қилди. Сизларнинг ерларингиз жуда яхши экан, деди Никита Сергеевич, сизларга катта раҳмат.

Н. С. Хрушчев, Е. О. Краг, Совет ҳукумати бошлиғига ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ратуша биносини кўздан кечирдилар. Н. С. Хрушчев бу ердан чиққанида ратуша олдидаги майдонни лиқ тўлдириб турган шаҳар аҳолиси уни қизғин табриклади.

Никита Сергеевич Ганс Христиан Андерсеннинг уй музейига боради. Ўзи кичкина бўлса ҳам, лекин бутун дунёга машҳур бу уй олдида илгари ҳеч қачон шу қадар кўп одам тўпланмаган бўлса керак. Халойиқ Совет ҳукумати бошлиғини қизғин табриклайди. Никита Сергеевич музейга киради. Музей директорининг ўринбосари К. Нильсен уни қисқача нутқ сўзлаб табриклайди.

Совет меҳмонлари музей залига ўтадилар. Дунёдаги деярли ҳамма халқларнинг тилларига таржима қилинган Андерсен асарлари жовонларга териб қўйилган. Бу улуғ эртакчи ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бизнинг мамлакатимизда бўлгани сингари шу қадар зўр шуҳрат қозонмаган деб бемалол айтиш мумкин. Андерсен асарлари Совет Иттифоқида 21 миллион нусхада 257 марта нашр этилди. СССР халқларининг 41 тилда Андерсен китоблари ўқилмоқда. Никита Сергеевич бургомистр Х. Ларсен билан суҳбатлашиб, Андерсен фақат Даниянинг бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун инсониятга ҳам мансуб ёзувчи эканлигини айтди. Совет кишилари учун Ганс Христиан Андерсен улуғ эртакчигина бўлиб қолмай, шу билан бирга инсонда бўлган энг яхши, олижаноб хислатларнинг ҳаммасини тараннум этган буюк инсонпарвар ҳам бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Е. О. КРАГ БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ

КОПЕНГАГЕН, 19 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан Дания Бош Министри Е. О. Краг ўртасидаги музокаралар бугун давом эттирилди. Бу музокаралар вақтида ҳар қанала томонни қизиқтириб турган актуал халқаро масалалар устида, шунингдек СССР билан Дания ўртасидаги муносабатларга тааллуқли масалалар устида ошкора фикрлашиб олинди.

Музокаралар дўстона вазиятда ўтди.

ҒЎЗАЛАР ГУЛГА КИРДИ

Бундан уч кун муқаддам Марказий Фарғона деҳқонларининг бўлиб ўтган йиғинида Попдаги Ленин номли колхозининг ғўзалари гуллагани ҳақида хушхабар айтилди. Мана, бугун Марказий Фарғона ерларида ҳам ғўзалар бирин-кетин гул тақмоқда. Охунбобоев бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг Тожимамат Исоқов бошлиқ бригадаси аъзолари 114 гектар майдонда пахта етиштирадилар. Бу бригаданинг аҳил аъзолари шу кунгача барча майдонлардаги ғўзаларни уч марта комплекс парваришдан чиқардилар. Ҳозир ғўзага «шарбат» оқизяпти. Бригаданинг олди ғўзалари гуллади. Бунда бригаданинг барча аъзолари, айниқса механизатор Ҳабибулла Ҳолматов, сувчилардан Абдикарим Турғунов, Раҳим Раҳмонов ўртоқларнинг ҳиссаси катта.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ДАНИЯ ГРАЖДАНЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши даврида совет ҳарбий хизматчиларини ва болаларини қутқаришда кўрсатган мардликлари ва жасоратлари ҳамда уларга ёрдам кўрсатганликлари учун Данияннинг қуйидаги гражданлари мукофотлансинлар.

ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ БИЛАН

1. Енсен Торвальд.
2. Лунд Пауль.
3. Педерсен Серен Меллер.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1964 йил 18 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ДАНИЯ ГРАЖДАНИ ЕНСЕН-БАЛЛЕ СИГВАРД АЛЬБЕРТНИ «ЖАСОРАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши даврида совет ҳарбий хизматчиларини қутқаришда кўрсатган мардлиги ва жасорати ҳамда уларга ёрдам кўрсатганлиги учун Дания гражданини ЕНСЕН-БАЛЛЕ СИГВАРД АЛЬБЕРТ «ЖАСОРАТ УЧУН» медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1964 йил 18 июнь.

Япония Бош Министри ХАЯТО ИКЭДА ЖАНОБЛАРИГА

Японияннинг бошига оғир табиий офат тушганлиги — қаттиқ зилзила бўлганлиги муносабати билан, Жаноб Бош Министр, бизнинг самимий ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз.

Зарар кўрганларнинг оилаларига чуқур таъзия билдириб қўйишингизни илтимос қиламан.

Ҳурмат билан
Н. ХРУШЧЕВ,
СССР Министрлар Советининг Раиси.

1964 йил 18 июнь.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаб ўстирган қуйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** фахрий унвони берилиб, **«Қаҳрамон она»** ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

1. **Асланова** Ҳабихон — рўзғор ишидаги аёл, Наманган районининг Калвак қишлоғи.
2. **Отабоева** Сотқиной—Энгельс номли колхоз аъзоси, Қўрғонтепа райони.
3. **Ғафурова** Эъзозхон — «Победа» колхозининг аъзоси, Қўрғонтепа райони.
4. **Дадабоева** Зебихон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон районининг Ербоши қишлоғи.
5. **Эгамбердиева** Ҳамида — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
6. **Ким** Ольга — рўзғор ишидаги аёл, Учқўрғон районининг Учқўрғон қишлоғи.
7. **Маврулова** Шаҳринисо — Учқўрғон районининг Қайқи қишлоғи.
8. **Муродова** Марҳаматхон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
9. **Назарова** Карима — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
10. **Расулова** Сорахон — рўзғор ишидаги аёл, Ленинск шаҳри.
11. **Раҳмонова** Мукаррам — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
12. **Раҳмонова** Раҳбархон—рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
13. **Раҳмонова** Сарвинисо — рўзғор ишидаги аёл, Задарё районининг Гўртепа қишлоғи.
14. **Сотволдиева** Салима — Хонобод таранчилик совхозининг ишчиси, Қўрғонтепа райони.
15. **Турдиева** Иноят — рўзғор ишидаги аёл, Наманган шаҳри.
16. **Турсунова** Ибодатхон — «Мингбулоқ» совхозининг ишчиси, Балиқчи райони.
17. **Ҳайдарова** Энахон — «Правда Востока» колхозининг аъзоси, Марҳамат райони.
18. **Холиқова** Ғулхон — рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
19. **Холматова** Амина — рўзғор ишидаги аёл, Учқўрғон районининг Кўгай қишлоғи.
20. **Худойбердиева** Ҳикматхон—рўзғор ишидаги аёл, Андижон шаҳри.
21. **Чўтбоева** Кўпайсин — рўзғор ишидаги аёл, Балиқчи районининг Қўштепасарой қишлоғи.
22. **Шоёқубова** Зулайхо — рўзғор ишидаги аёл, Янгиқўрғон районининг Зарбдор қишлоғи.

(Давоми бор).

Ғалла фронтида

СЎЗИМИЗ УСТИДАН ЧИҚАМИЗ

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозида ғалла ўриши қизғин боряпти. Суратда: Арпа ўриш пайти.

Биз суғориладиган ерлардан яхши фойдаланиш орқали гектаридан 100 центнердан дон етиштириш ҳаракатига қўшилиб, ўтган йилнинг ноябрь ойида 50 гектар ерга «унумли арпа» экканэдик. Мўл ҳосил етиштириш учун кучимизни аямай меҳнат қилдик.

Ўрим-йиғимни ҳам қисқа вақт ичида тугаллаб, гектаридан 40 центнерга яқин ҳосил олдик.

Арпа ўрнига «ВИР-156» навли маккажўхори экдик. Ҳозир бутун диққат-эътиборимиз маккажўхорини бир текис ундириб олиш ва уни сифатли парваришлашга қаратилган. Агротехника тадбирларига қатъий риоя қилиб, гектаридан 60 центнердан маккажўхори донини оламиз. Шундай қилиб, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.

З. БЕГМАТОВ,
Янгиер бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг юзцентнерчи бригадири.

ГЕКТАРИДАН 35 ЦЕНТНЕР

Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Чимбойобод» колхозининг пахтачиликдаги довруғи тилларда достон. Бу хўжаликда ғаллачилик ҳам тез ривожланмоқда. Бу йил 5686 гектар майдондаги арпа ва буғдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир ўрим-йиғим ишлари қатъий график асосида олиб борилмоқда.

Маврумда 350-400 гектар ердаги ғаллани ўриш мажбуриятини олган Сайхон Еқубов, Абди Тўйчиев, Абдуғани Ҳасанов, Исмат Нодиров каби моҳир комбайнчилар ўз мажбуриятларини 14-15 иш кунида бажариш учун курашаётирлар.

Эргаш Рўзиев бошлиқ юзцентнерчи комсомол-ёшлар бригадасида ўрим-йиғим айниқса қизғин бормоқда. Комбайнчи Абди Тўйчиев бригаданинг 35 гектар ердаги арпасини ўрди. Бу майдонларнинг гектаридан 35-36 центнердан дон олинмоқда. Бригада ҳар куни давлат омборига 80-100 центнер дон жўнатаётир.

Колхозда 11 та комбайн ишлаб турибди. Ҳар куни давлат омборига 500-600 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон тўкилмоқда.

Б. ИМОМОВ.

ЯНГИЙЎЛ. «Ленинизм» колхозининг хирмонга 350 тонна дон ташиб бериш мажбуриятини олган нилгор шофери Нишонбой Ҳасанов.

Қ. Розиқов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).



Тошкент ГРЭСининг бунёдкорлари станциянинг 2-генераторини ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун мусобақани кучайтириб юбордилар. Монтажчилардан Виктор Бельченков ва Виктор Толмачевнинг ротор подшипниги ўрнатишаётганини суратда кўриб турибсиз. Улар монтажлаш ишларини тезлаштиришда ҳамкасбларига намуна бўлишаётир.

И. Глауберзон фотоси.

КОЛЛЕКТИВГА БОШ БЎЛИБ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

□ □

Қарши тикув фабрикаси шаҳардаги энг йирик ва илғор корхоналардан ҳисобланади. Фабриканинг тўла ишга тушганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо корхона коллективининг қилган ишлари диққатга сазовордир.

Фабрикага узоқ йиллар давомида партия, совет ташкилотларида ишлаб, тажриба орттирган Анна Михайловна Позднякова директорлик қилади. Фабрика партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Ф. Салихова) бошлиқ коммунистлар унга ҳамиша кўмакдош. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб чиқариш топшириқлари ҳамиша ошириб адо этилади. Коммунистик меҳнат зарбдори, коммунистик меҳнат бригадаси ва цехи деган юксак ном олаётган ва шундай номга сазовор бўлиш учун курашаётган бригадалар тобора кўпаймоқда. Маҳсулот сифати яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ошмоқда.

Тошой Тўрақулова шу фабрикада ўсди, улғайди. Сўнгги йилларда унинг номи тилдан ва сурати «Ҳурмат тахтаси»дан тушмайдиган бўлиб қолди. Аммо жонкуяр ва ташаббускор аёл бу билан чегараланиб қолмади. Бир куни у партия ташкилотига келиб, қолоқ цех га ўтиб ишлаш истагини билдирди.

— Илғор цехнинг бошлиқлигидан қолоқ бригадага-я?—синовчан назар билан деди секретарь Фазилат Солихова.

— Коммунистнинг ўрни қийин участкада эмасми, қарорим қатъий!

Ўлар анча гаплашишди, тортишишди. Фазилат опа кўнглида Тошойнинг таклифидан хурсанд бўлиб, маъқуллаб ўтирган бўлса ҳам, унга дирекция билан маслаҳатлашиб, натижасини кейин айтаман, деди. Орадан икки-уч кун ўтгач, коммунист Тошой Тўрақулова бошқа цехнинг 6-агрегатига мастер-бригадир бўлиб ўтди.

Бу воқеа шу йил февраль ойининг бошларида бўлган эди. Қисқа муддатда мазкур бригадада иш ўзгарди. Бригада ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан адо этяпти.

Фабрикада Тошой Тўрақулова каби ташаббускор коммунистлар анчагина бор.

Шу сабабдан ҳам фабрикада топшириқни бажармаётган бирор цех йўқ. Бундай муваффақиятларга эришишда цехларда оддий ишчи бўлиб ишлаётган коммунистларнинг ҳам хизмати катта, албатта. Фабриканинг Саида Носирова, Муқаддам Бозорова, Каромат Жамолова, Иқлим Самадова, Ҳусния Саиджонова, Сулубека Давлатова, Гулсара Жабборова, Хосият Толипова ва Фоиза Ғаббосова ўртоқлар каби коммунист-ишчилари корхонанинг фахри ҳисобланадилар. Бу коммунистлар ишчилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш, илғор иш методларини оммалаштириш, коммунистик меҳнат ҳаракатини кенг авж олдиришда цех ва корхона раҳбарларига, партия ташкилотига амалий ёрдам кўрсатаётирлар.

Партия топшириғи коммунистлар учун қонун. Қайси бошланғич партия ташкилотида бу масала яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда ишлар кўнгилдагидек бўлади. Буни мазкур партия ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Коммунистларга бериладиган партия топшириғи, — дейди Фазилат опа Салихова, — асосан икки хил: доимий ва кундалик топшириқлар. Бизда асосан ҳамма коммунистлар доимий партия топшириғига эга. Кундалик ҳаёт талаб қилиб қолгандагина коммунистларга йўл-йўлакай топшириқ берилади. Берилган топшириқларнинг бажарилиши эса доим назорат қилиб турилади. Бу — коммунистларни партия интизомига ўргатаётир.

Корхонада коммунистлардан 20 киши агитатор, 15 киши лектор ва 5 киши пропагандистлик қилади. Бу ишларга раҳбарлик қилиш бошланғич партия ташкилотининг бюро аъзоси, фабрика план-молия бўлимининг мудири ўртоқ А. Файзиевга юклатилган. Агитаторлар ўзларига бириктирилган цех ва бригадаларда тез-тез бўлиб, ишчилар билан муҳим ва актуал темаларда суҳбатлар ўтказадилар. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар.

Бу ерда ўн беш аъзоси бўлган лекторлар группасининг иши ҳам яхши йўлга қўйилган. Унга коммунист ўртоқ Г. Мардиев бошчилик қилади. Группа қатъий план асосида иш кўради. Фабрика лекторлари радиоузел орқали ва клубда актуал темаларда лекциялар билан чиқиб турадилар. Улар кўп вақтлари ўзлари тайёрлаган ва фабрика ҳаёти билан чамбарчас боғланган текстлар бўйича лекция ўқийдилар. Бу соҳада А. Файзиев, Ҳ. Аҳмаджонов, Т. Юрина ва А. Н. Позднякова каби коммунист-лекторларнинг иши бошқаларга айниқса намуна бўлмоқда. Улар ўқиган «Бир минутнинг қиммати», «Чиройли ва бежирим кийимлар тикайлик», «Сарочка тикиш технологияси», «Мамлакатимизда енгил саноатни янада ривожлантиришнинг истиқболи», «Қарши — йирик саноат шаҳри бўлади» деган темалардаги лекциялар ишчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан ўтказилган партия мажлислари ҳар бир коммунист ва бошланғич партия ташкилотлари ҳаётида чуқур из қолдириши, кишиларни тарбиялашнинг чинакам мактаби бўлиб хизмат қилиши аниқ. Бунинг учун аввало, мажлис кун тартибига қўйиладиган масалани чуқур ўйламоқ, докладга пухта тайёргарлик кўрмоқ керак.

Ҳисобот-сайловидан буён коммунистларнинг 7 марта умумий йиғилиши чақирилди. Унда ўндан ортиқ актуал масала муҳокама қилинди. «Фабрика ишчилари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Фабрика комсомол ташкилотининг ҳисоботи», «Корхона хўжалик-молия фаолиятининг аҳволи ва 1964 йилги вазифалар», «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати», «4-тикув цехида ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши», «Ҳар бир ишчи ўқисин ва ўз малакасини оширсин» каби масалалар ана шулар жумласидандир.

Яхши тайёргарлик билан ўтган йиғилишнинг таъсири ҳам катта бўлади. Шунинг учун партбюро мажлисларга ҳар сафар қарийб икки ҳафта олдин тайёргарлик кўради. Тайёргарлик ишларига фақат партбюро аъзолари эмас, оддий коммунистлар ва партиясиз ишчилар ҳам иштирок этадилар.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи масаласи муҳокама қилинган эди. Апрель ойининг бошида бўлиб ўтган йиғилишда ўша қарорнинг ижроси масаласи кўрилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фабрикада беш ойлик план ортиғи билан бажарилиб, пландан ташқари анча қўшимча фойда олинган эди. Июнь ойи плани ҳам ортиғи билан бажарилади. Аммо фабрика коммунистлари бу билан чегараланиб қолмайдилар. Улар шу кунларда янги ютуқларни қўлга киритиш устида бош қотирмоқдалар.

У. ИСМОИЛОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан кейин

«КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР»

Газетамизнинг шу йил 15 май сонида «Кўнгилдаги гаплар» сарлавҳаси остида Фарғона сув хўжалиги ходимларининг мулоҳазалари берилган эди. Бунда улар ирригация ва мелиорация иншоотларни ва тармоқлари қурилишида қўлга киритган ютуқлари тўғрисида, ўз эҳтиёж ва талаблари ҳақида тўхталиб ўтишганди. Жумладан, Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси адресига мана бундай гаплар айтилган эди:

«Ирригация-мелиорация тармоқларини бунёдга келтираётган қурувчиларимиз йил сайин кўплаб замонавий машина ва механизмлар олмоқдалар. Лекин ҳали машиналарнинг яна кўп тури етказиб берилиши лозим. Хусусан, хўжалик ичидаги суғориш шохобчаларини тозалаш учун мукаммал машиналар зарур. Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси бетон ётқизиш машиналарининг янги серунум турларини етказиб бериши керак. Бундан ташқари каналлар тубини ўтлардан тозалайдиган механизмларга жуда-жуда интизормиз».

Мазкур талаблар юзасидан редакция Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси бошлиғи В. Весмановдан жавоб хати олди. Хатда, конструкторлик бюроси ирригация-мелиорация ишларида ва суғориш системаларида фойдаланиш учун бир қатор машиналар яратиш устида иш олиб бормоқда, дейилган. 1962 йилдаёқ чуқурлиги 2,4 метргача бўлган каналларни тозалашга мўлжалланган «КШБ-2,4» осма машина яратилган эди. Ҳатто Урта Осиё машина синаш станцияси уни ишлаб чиқаришга йўлланма берган эди. Лекин Урта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши шу вақтгача бундай машинадан бирорта ишлаб чиқармади. Машина заказчиси — Узбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги эса бунга етарли эътибор бермаётир.

Мақолада каналлар тубини ўтлардан тозалайдиган механизмларга талаб катталиги чуда тўғри нўрсатиб ўтилган. 1964 йилги тажриба-конструкторлик ишлари планида ана шундай машина устида иш олиб бориш кўзда тутилган. Чуқурлиги 0,8 метрдан 2,5 метргача бўлган каналлар тубини тозалайдиган универсал машина яратиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, бу йил конструкторлик бюросининг каналларни тозалайдиган яна иккита янги машинаси синовдан ўтади.

Каналларга бетон ётқизадиган машина яратилган. Бу йил республика Сув хўжалиги министрлиги ана шундай машинадан 5 тасини ҳар хил шароитда ишлатиб, синаб кўриши керак. Лекин ҳалигача бу машиналарни ишлаб чиқарадиган корхона аниқланган эмас.

Ҳозир ирригация машиналари ишлаб чиқарувчи завод қурилишига тайёргарлик кўрилмоқда.

ЭЛЕКТР СИМИ ОРҚАЛИ ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШ МУМКИН

Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг олимлари қишлоқлардаги электр узатувчи линиялардан фойдаланиш йўли билан телефонлаштириш проблемасини ҳал қилдилар. Тажрибалар шуни кўрсатдики, телефонни электр билан «эгизлаштириш» электр энергияси узатишни асло қийинлаштирмайди, бунинг аксича, электр энергияси билан таъминлаб туришни тағин ҳам мустаҳкамроқ қилади.

Шундай алоқа боғлаш учун алоҳида аппаратлар ишлаб чиқилди. Калинин Халқ хўжалиги кенгашининг конструкторлик бюросида чала ўтказгичли «МВП» прибори — юқори частотали кичик пост яратилди. «АРС-61» деган телефон аппарати тайёрланиб, колхоз ва совхозлар учун ишлаб чиқарилмоқда.

Ана шу «МВП» ва «АРС-61» аппаратлари конденсатор орқали маҳаллий электр шохобчасига уланади. Етакчи сим иҳота фильтри билан бирлаштирилади. Шу билан алоқа воситаси ишга тушиб, электр сими орқали телефонда гаплашила беради.

Бу янгиликнинг иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши очиқ-ойдин кўриниб турибди. Махсус алоқа линиялари барпо этишга зарурат қолмайди, хизматчи ходимлар анча кам талаб қилинади.

(ТАСС).

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитети 1965 йилги Ленин мукофотларини олиш учун ишларни қабул қила бошлади.

1965 йилги Ленин мукофотларини олишга кечи билан 1964 йил 15 июнгача босилиб чиққан, кўпчилик кўрсатилган ёки кўпчилик ўртасида ижро қилинган адабиёт, санъат, журналистика ва публицистика асарлари тақдим қилиниши мумкин.

Ленин мукофотлари олишга ишларни ижодий союзлар ва республика театр жамиятларининг раҳбар органлари, ВЦСПС президиуми, СССР ва иттифоқдош республикалар министрликлари ва давлат комитетларининг коллегиялари, СССР Бадиий академияси, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, газета ва журналларнинг редколлегиялари (ўзларининг кенгайтирилган мажлисларида), шунингдек меҳнаткашларнинг йиғилишлари кўрсатадилар.

Комитет ташкилотларга шуни маълум қиладики, ишларни Ленин мукофоти олишга кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан аввал номзодларни жамоатчилик ўртасида кенг ва ҳар тарафлама муҳокама қилиб кўриш зарур.

Ишлар 1964 йил 30 ноябргача қабул қилинади.

Ленин мукофотлари комитети совет жамоатчилигига мурожаат қилиб, 1965 йилги мукофотларни олишга асарларни кўрсатишни охирги муддатгача чўзиб юрмасликни илтимос қилади. Номзодларнинг олдиндан тақдим қилиб қўйилиши комитетнинг кўрсатилган ишларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқишига ёрдам беради.

Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги таклифларни, кўрсатилаётган асарлар тўғрисидаги фикрларни, шунингдек материалларни расмийлаштиришга тааллуқли ҳамма саволларни қуйидаги адресга юбориш лозим: Москва, И-51, Неглинная кўчаси, 15-уй, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитети.

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Партиямиз XXII съезди тарихий қарорлари асосида мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида махсус илмий коммунизм асослари курси жорий этилди. Бу предмет студентларни коммунистик жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши қонунлари, пролетариат диктатураси ғалабасининг йўллари ва методлари тўғрисидаги, социализм ва коммунизм қуриш ҳақидаги таълимот билан таништиради.

Коммунистик партия социализм ва коммунизм қурилишининг ҳамма босқичларида ёшларни марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялашга катта аҳамият бериб келмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг 1963 йил июнь Пленумида ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилди. Пленум қарорларида таъкидланганидек, олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактабларнинг вазифаси халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб, уларда марксча-ленинча дунёқарашни ва коммунистик онгликнинг шакллантириш, юксак гражданлик ҳиссиётини камолга етказишдир. Бу вазифаларни амалга оширишда илмий коммунизм асослари курси катта роль ўйнайди. Тошкент Давлат педагогика институти ҳузурида ташкил этилган илмий коммунизм кафедраси ҳам ана шунга хизмат қилмоқда. Қисқа давр ичида кафедра анчагина тажрибаларни қўлга киритди. Кафедрага юқори малакали ўқитувчилар, фан кандидатлари ва доцентлар жалб этилган. Кафедра коллективи студентларга коммунизм ҳақида чуқур билимлар бериш билан бирга катта илмий иш ҳам қилмоқда. Ўтган йил октябрь ойида кафедрамиз вакиллари Олмаотада ўтказилган илмий коммунизм асослари бўйича республикалараро назарий семинарда қатнашиб, ўз тажриба ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Биз бу фанни ўқувчилар чуқур эгаллашлари учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Лекцияларнинг сифати ва мазмунига алоҳида эътибор берилмоқда. Махсус мажлисларда лекция текстлари, ишлари муҳокама қилинади. Кафедрада ўқитувчилар системали равишда бир-бирларининг лекцияларига қатнашиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. 16 лекция ва 24 семинар машғулотлари ана шундай ўтказилди.

Партиямиз илмий коммунизм асослари предметини ўқитиш янги жамият қураётган кишиларни тарбиялаш ишига хизмат қилсин, коммунизмни муваффақиятли қуришда партия ва халққа ёрдам берсин, деб таълим бермоқда. Бу эса фанни ҳаёт билан, коммунизм қурилиши практикаси билан узвий боғлаб боришни тақозо этади. Биизда шундай қилинмоқда. Масалан, «Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш — коммунизмга ўтишнинг ҳал қилувчи шарти» деган темада лекция ўтказилгач, студентлар Тошкент тўқимачилик комбинати, пойафзал фабрикаси ҳамда Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозларга, Ўзбекистон тарих музейи ва санъат музейига экскурсияга бордилар.

Институтда студентларнинг лекция ва семинарларда олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистоннинг экономика ва маданият соҳасида эришган ютуқларини ҳикоя қилувчи ҳужжатли ва бадиий фильмлар кўрсатилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш новаторлари, республикамиз машъаллари тез-тез студентларнинг меҳмони бўлиб турадилар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор новатори, коммунистик меҳнат зарбдори Пўлатова, Алпатова ўртоқлар студентларга ўзларя эришган ютуқлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Ҳозир кафедрада методик масалалар кенг муҳокама қилинмоқда. Чунки кафедрада кекса тажрибали педагоглар билан бирга ёш ўқитувчилар ҳам ишламоқда. Бинобарин улар тажриба ўрганишга муҳтож.

Ҳозир институтда сиртдан ўқувчи студентлар учун радио орқали лекциялар ўқиш практика қилинмоқда. Бундай лекцияларни тарих фанлари кандидатлари Р. Норжигитов, Г. Шистер, старший ўқитувчилар Шодмонов, Раҳимов ўртоқлар ўқимоқдалар.

Кафедрада илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Старший ўқитувчи Ф. Раҳимов кандидатлик диссертациясини ёзиб тугатди. Шодмонов, Каримов, Носиров ўртоқлар эса кандидатлик диссертацияси устида муваффақиятли ишлямоқдалар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунинг 40 йиллигига бағишлаб кафедра ўқитувчилари қатор брошюралар ёздилар. Шу билан бирга кафедра коллективи институтнинг КПСС тарихи кафедраси ўқитувчилари билан ҳамкорликда республикамиз тўйига бағишланган тўплам нашр этишга фаол қатнашмоқдалар. Шунингдек, ўзбек тилида сиртдан ўқувчи студентлар учун ўқув қўлланмаси тайёрланмоқда.

Институт ўқитувчиларининг Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 40 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференцияси ўтказилди.

Кафедрада энг яхши студентлардан агитатор ва пропагандистлар тайёрлашга қизғин киришилмоқда. Шу мақсадда май ойида лекция ўқиш методикаси, суҳбат ва докладлар ўтказиш ҳақида, нотиқлик ва лекторлик санъати, тил маданиятига оид темаларда махсус лекциялар ўтказилди. Бу билимларни эгаллаб институтни тугатган студентларга пропагандистлик курсини тамомлаганлиги ҳақида ҳам гувоҳнома берилади.

Янги курсни ўқитишда айрим ютуқлар билан бирга ҳали камчиликлар ҳам бор. Чунончи, машғулотларнинг савиясини янада кўтариш керак. Коммунистик партиямиз биз, ўқитувчиларга коммунизм даврида яшайдиган, коммунизмни ўз қўли билан қурадиган ёшларни тарбиялашдек муҳим вазифани топширган. Партиямизнинг бу ишончини оқлаш учун бор билимимизни, қалбимиз ҳаратини, бутун педагоглик санъатимизни тўла ишга соламиз.

В. БАГДАСАРОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий коммунизм асослари кафедрасининг мудири.

ҚАЧОНГАЧА?

Тўрткўл бошқармасидаги «Правда» колхозида 1960 йилда электростанция қурилган эди. Шундан сўнг фақат колхоз идорасигина электрлаштирилди. Хонадонларда эса ҳалигача электр чироқлари йўқ. Колхоз раҳбарлари меҳнаткашларнинг маданий турмуш кечириши тўғрисида етарли ғамхўрлик кўрсатмаётирлар. Колхоз клуби ҳам ҳувиллаб ётибди: на стол бор, на скамейка қўйилган. Колхозчиларда, бу аҳвол қачонгача давом этади, деган ҳақли савол туғилмоқда.

С. ИСМОИЛОВ.



Республикамиз шонли 40 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш — ўлкамиздаги ҳар бир насб эгасининг эзгу нияти. Турсунбой Шомирзаев «Ташавтомаш» заводида бир неча йилдан буён ишлайди. У ана шу қутлуғ тўйни смена топшириқларини орттириб бажариш билан кутиб оляпти. Ҳар сменада автодвигателлар учун планга қўшимча бир неча деталь тайёрлашга муваффақ бўлаётир. Сиз уни суратда кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ДЎСТЛИК САТРЛАРИ

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ТОШКЕНТУ СИРДАРЕ, ЧИМКЕНТЛИК ДЕҲҚОН, ЭЛГА КАТТА ХИРМОН ЭТАР АРМУҒОН

«Тошкент ҳақиқати», «Сирдарё ҳақиқати», «Онтустик Казакстан» газеталарининг кечаги бирлашган сони ана шундай мисралар билан бошланади. Бу сон мусобақадош Тошкент, Сирдарё ва Чимкент областлари деҳқонларининг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлидан бориб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида олиб бораётган курашларига бағишланган.

Газетада ҳар учала область қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг мақолалари, экономикани юксалтиришда қўлга киритилган ютуқларни ҳиной қиладиган хабарлар ва фотосуратлар босилган. Газетада Тошкент қишлоқ область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов, «Голодностепстрой» бошқармасининг бошлиғи Э. Низомов, Оққўрғон бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 5-бўлим бошқарувчиси Мустафо Чачи, Чимкент область, Сариғоғоч ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Дарвоза» совхозининг директори А. Кожамсутиров ва бошқаларнинг мақолалари берилган.

Уч газета редакциясининг бу ташаббуси диққатга сазовордир ва у халқларимиз ўртасидаги меҳнатдек мустаҳкам дўстлиқнинг ёрқин ифодаси ва рамзидир.

ҚУРИЛИШДАГИ ЖИДДИЙ НУҚСОНЛАР

Урганч шаҳрида 1961 йилда янги сут-ёғ комбинати қурила бошлаган эди. Комбинат қурилишига 1.037 минг сўм ажратилди. Белгиланган планга мувофиқ кунига 52 тонна сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган бу комбинат 1963 йилнинг IV кварталида ишга тушиши керак эди. Аммо қурилиш ташкилотларининг айби билан корхона ўз вақтида ишга тушмади, комбинатда қурилиш ишларини тугаллаш муддати 1964 йил май ойига кўчирилди. Лекин объект қурилишда бурилиш бўлмади. Катта ҳажмдаги қурилиш ва монтаж ишлари бажарилмаганлиги оқибатида 150 минг сўм маблағ фойдаланилмай қолди. Комбинатда қурилиш ишларини 167-қурилиш трестининг 3-қурилиш бошқармаси, «Ўзбекэнергомонтаж», «Ўзбекэлектромонтаж», «Сантехмонтаж» ва бошқа қурилиш ташкилотлари олиб бораётир. Қурилиш ташкилоти раҳбарларининг фикрича, объектда асосан қурилиш ишлари тугалланиб, майда-чуйда ишлар қолган. Афсуски, ана шу «майда-чуйда» ишлар энг мураккаб монтаж ишлари бўлиб, кўп меҳнат талаб этади. Аммо шунга қарамасдан кўнгилга ускуналар нотўғри монтаж қилинган, баъзиларини ўрнатиш кечикиб кетмоқда. Масалан, канализация цехида траплар техника хавфсизлиги талабига жавоб бермайди, аппарат цехида иссиқ сув юбориладиган қувурлар системаси нотўғри ўрнатилган, компрессор цехида конденсатор учун ҳошиялар сифатсиз ишланган.

Бу ерда ҳанузгача бирор цех ҳам қўлдан батамом чиқарилмаган. Сепарация цехи қурилишида камида 40 киши ишлаши керак. Ҳозир эса 5 бинокор ишлаяпти, холос. Холодильник цехида ҳам «Узхолодоторгмонтаж» трести монтаж ишларининг қоқ ярмини бажармаган. Насос станциясидаги ишлар ўлда-жўлда. Область ва шаҳар партия комитетлари, 167-қурилиш трести раҳбарлари комбинат қурилишини жадаллаштириш тадбирларини кўришлари керак.

Ж. САИДОВ,
Е. БАТАЛОВА.
С. ИБРОҲИМОВ.

КАСБИНГГА МЕҲР ҚЎЙ!

Тошкент шаҳридаги 2-автобазадамиз. Кўз олдимизда «ЛАЗ-695» маркали 326 ва 320 номерли иккита автобус турибди. Бу автобусларнинг маркаси ҳам, ишлаб чиқарган заводи ҳам битта. Ҳар икки автобус ҳам бундан 2 йил бурун, бир вақтда Ўнинчи маршрут бўйича қатнай бошлаган. Лекин автобуслар техник ҳолати, ташқи кўриниши, эксплуатация қилиниши жиҳатдан бир-биридан катта фарқ қилади.

Шоферлардан Владимир Кузнецов ва Геннадий Буличев навбат билан бошқарадиган 326-машина заводдан янгидек чиққанга ўхшайди. Бўёқлари ёрқин, асбоб-ускуналари тўлатўкис. Спидометр 250 минг километрни кўрсатиб турибди-ю, лекин бу автобус жуда кам йўл босганга ўхшайди. Ёг насослари, ҳаво тозалагич, двигатель поршенлари, сув радиатори, ҳамма-ҳаммаси ҳали ишлатилмагандек янги.

— Машинани севиш керак,— дейди шофер В. Кузнецов. — Машинага гамхўрлик бола парваришидан фарқ қилмайди, машина деталлари жуда нозик ва нозик.

Шоферларга машинадан фойдаланиш бўйича катта жавобгарлик юкланган. Жорий, капитал ремонтларгача бўлган муддатни узайтиргани, ёнилги ва машина қисмларини тежагани учун мукофотлар берилади. В. Кузнецов, Г. Буличев ўртоқлар бундай мукофотларни кўплаб олишган.

— Машинани йўл тўздиради, машинанинг инкир-чиқирини билмаган киши машинани бузади,— дейди улар. Мана шу шартга амал қилган Кузнецов ва Буличев ўртоқлар автобаза коллективи орасида-катта обрўга эга. Уларнинг номи «Ҳурмат тахтаси»дан тушмайди. Улар бошқараётган автобуса «энг яхши шофер» деган вимпел осиб қўйилган.

— Биз бошқараётган машинамизни ўз вақтида, айниқса йўлга чиқишдан олдин ва сафардан қайтгандан кейин текшириб турамиз, — дейди улар.

Автобаза коллективи Кузнецов ва Буличев ҳақида илиқ сўзлар айтади. Бу икки ўртоқ йўлни жуда синчиклаб кузатадилар. Йўлга қараб газни кўп ва оз берадилар.

320-машинанинг шоферлари А. Конарев ва В. Осиповлар эса биз билан суҳбатда, ўзлари бошқараётган машинанинг кўринишидан ўйлганларидекми, бошларини қуйи солиб, саволларимизга эҳтиёт жавоб қайтарардилар.

— Машинани бир вақтда олганмиз. Бир вақтда йўлга чиқканмиз. Тўғри, машинага яхши эътибор бермаган эканмиз. Жуда кўп қисмлар етишмайди. Двигателни ҳам алмаштирганмиз...

Машинанинг эгасиз, деразалари синган, ўриндиқлари йиртилган, ички ва ташқи жиҳозлари жуда ифлос.

Машинани жуда яхши билиш керак. Лекин билган билан унга қаралмаса, фойдасиз. Конарев ва Осипов ўртоқларнинг қўлида ҳам гувоҳномаси бор. Демак, улар машинани билишади. Лекин ўз ишларига юзаки, эричоқлик билан қарашлари натижасида машинани тўздириб қўйганлар.

326-машина бир йилдан кейин ўз харажатларини қоплади. Лекин 320-машина давлат учун қимматга тушди. Машина деталлари бир неча марта ўзгартирилди, кетма-кет ремонт қилинди. Натижада машинанинг таннархи қимматлашиб кетди.

Тежасанг ютасан, тежамасанг, ютқизасан. Давлат ва халқ мулкини тежаб-тергаб ишлатишни унутманг, дўстларингиздан ўрнак олинг, шофер А. Конарев, В. Осипов ўртоқлар! Машинангиз шай бўлса, ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам яхши.

Р. ИСҲОҚОВ,
З. ШАМСИДДИНОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2
20 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 142 (12.796).

ҚАРДОШЛАР МАСЛАҲАТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИДАН

СУРХОНДАРЁ

Шўрчи бошқармасидаги Ўртоқ Н. Боймуродов раислик қилаётган «Меҳнат—роҳат» колхозининг аъзолари ингичка толали пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Тожикистонлик пахтакорлар ўзаро текшириш бригадасининг бир группа аъзолари ана шу машъал хўжалик билан танишдилар.

Меҳмонлар колхознинг П. Раҳимов, З. Расулова, П. Расулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этилганлигидан ғоят мамнун бўлдилар. Улар хўжаликнинг минг гектар майдондаги ғўзаси бир текис ғулга кириб, мўл ҳосил тўпланаётганини қониқиш билан қайд қилдилар. Бу колхозда тўпланган илғор тажрибаларни Тожикистоннинг Вахш водийсидаги ингичка толали пахта етиштирувчи хўжаликларда кенг жорий этажакларини айтдилар.

Қардош республика пахтакорлари вакиллари «Коммунизм» колхозида чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда эришилган ютуқлардан қаноат ҳосил қилдилар. Колхоз чорвадорлари қорақўл тери ва тухум тайёрлаш йиллик планларини ошириб бажардилар. Давлатга гўшт, сут ва жун сотиш ярим йиллик планлари ҳам анча ошириб адо этилди. Меҳмонлар чорвачилик фермаларида химия фани мўъжизаларидан ва механизмлардан қандай фойдаланилаётганлигини қунт билан ўргандилар.

Сўнгра улар 50 центнерчи А. Тожиев ва Б. Нормуродов бошлиқ бригадалар даласида бўлдилар. Ҳар иккала бригада майдонларидаги ғўзалар уч марта парвариш қилинган, органик ва минерал ўғитлар аралашмаси билан икки марта озиқлантирилган ва суғорилган. Бўлиқ ғўзалар ёппасига шоналаб, ғуллай бошлаган.

Бироқ, шу колхознинг Т. Худойбердиев, Х. Эшмирзаевлар бошлиқ бригадаларида ғўзани суғориш агротехникаси қўпол бузилганлигидан меҳмонлар афсуслардилар. Сув етарли бўлишига қарамай, айрим участкаларда ёш ғўзалар чанқаб қолган, баъзи карталар эса ёппасига қўллатиб юборилган. Қўшни пахтакорлар культивациянинг саёз ўтказилганига эътиборни жалб қилдилар.

Тожик пахтакорлари республикамиз юбилейи шарафига гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашаётган Сариосиё бошқармасидаги Ленин номли колхоз азаматларининг ишини кўздан кечирар эканлар, улар меҳнатда кўрсатган зўр жасоратга қойил бўлдилар.

— Биз бу колхознинг пахлавон пахтакорлари, дала гвардиячилари бўлмиш механизаторлар ва сувчилар ишидан беҳад қувондик, — дейди суҳбатда Тожикистон пахтакорлари делегациясининг бошлиғи, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг ўринбосари ўртоқ П. Т. Сердюков, — бундай марди майдонларнинг тажрибасини ҳар қанча ёйса арзийди.

Айни вақтда тожикистонлик дўстлар айрим бригадаларда минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланилаётганигини, ғўзани суғоришда жиддий хатолар борлигини, илғор бригадалар иш тажрибаси қолоқларга ўргатилмаётганини кўрсатдилар. Масалан, ўртоқ У. Холбоев бошлиқ бригада ғўзаларга керагидан анча ошиқ азот берганлиги сабабли ўсимлик ғовлаб кетибди, ҳосил элементлари эса жуда оз. Қ. Муҳаммадиев бригадасида 35 гектар ердаги ғўза ёнидан катта ариқ тўла сув оқиб ётса-да, чанқатиб қўйилган. 50 центнерчи Ш. Мусаев бошлиқ бригаданинг илғор иш методлари ҳатто унга қўшни бўлган бригадаларда ҳам жорий этилмаётгани кечирилмас бир ҳолдир. Тожикистоннинг қишлоқ хўжалик ходимлари Сурхондарё областидаги хўжаликларнинг пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳалардаги ишларини жуда диққат билан кўздан кечириб, пахта усталарининг илғор тажрибаларини, янгиликларни ўрганмоқдалар, улар камчиликларни юз-хотир қилмай рўй-рост айтмоқдалар, аниқланган нуқсонларни тузатиш соҳасида дўстона маслаҳатлар бермоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

БУХОРО

Ғиждувон бошқармаси пахтакорлари бу йил давлатга 63 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бошқарма хўжаликларида бу йил 7 минг 700 тонна пахта машиналарда терилиши керак. Пахтакорлар олинган мажбуриятни бажариш учун фидокорона курашиб, яхши натижаларга эришаётирлар. Туркманистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Энгельс номли колхозда бўлганларида бу соҳада анчагина иш қилинаётганини кўриб, ғоят хурсанд бўлдилар. Колхознинг Ҳадича Ходиева, Омонов, И. Муҳиддинов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзалар яхши ўсяпти, айниқса ғўзага «шарбат» суви бериш меҳмонларга ғоят манзур бўлди.

— Ғўзага «шарбат» суви бериш, — дейди Керки бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг бош агрономи ўртоқ С. Жумамуродов, — ғўзанинг ривожини тезлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнар экан. Энгельс номли колхоз аъзоларининг бу соҳадаги кўп йиллик тажрибасини биз яхши ўргандик, қайтиб борганимиздан кейин ўз ишимизда жорий қиламиз. Туркманистонлик меҳмонлар, шунингдек «Зарафшон», Ленин номли колхозлар ишидан хурсанд бўлдилар. Бироқ «Ленинизм», «Пахтаобод», Жданов номли колхозларда ғўзани парвариш қилиш, озиқлантириш ва суғориш агротехникаси қўпол равишда бузилипти. Катта майдонлардаги ғўзалар ривожланишдан орқада қолган. Айниқса «Пахтаобод» колхозидаги ўртоқ Раҳматов бошлиқ 10-бригада даласида ғўзалар бостириб суғорилаётгани меҳмонларни ранжитди. Колхоздаги сувчилар, механизаторлар ўз нормаларини билмайдилар. Механизатор ўртоқ Рустамов чопиқ трактори органларини тўғри ўрнатмаган. Ғўза қатор ораларини 35-40 ўрнига 20 сантиметр кенгликда юмшатмоқда. Колхозчилар область партия комитетининг ғўза парваришини тўғри уюштириш юзасидан яқинда қабул қилган қароридан ҳалигача хабардор эмас. Жданов номли колхозда юз гектардан ортиқроқ майдондаги ғўза чанқатиб қўйилган. Колхознинг Усмон Жумаев бошлиқ 7-бригадасида колхозчиларнинг меҳнати тўғри ташкил этилмаган. Механизатор Қаҳрамон Нуриддинов ўз ишига совуққонлик билан қараб, культивацияни сифатсиз ўтказяпти. 40 гектар ердаги ниҳоллар ўз вақтида суғорилмаслиги натижасида чанқаб қолган. Туроб Ражабов бошлиқ 11-бригададаги ишлар ҳам меҳмонларни хурсанд қилмади. 10 гектар майдондаги ғўзалар ёввойи ўтлар орасида қолган. «Ленинизм» колхозида олиб борилаётган иш мутлақо талабга жавоб бермайди. Ўртоқ Бозоров бошлиқ бригаданинг 80 гектар ердаги ғўзасидан 17 гектари бостириб суғорилган. 30 гектар ерда ғўза парвариши кечиктирилган. Колхозда далада ишловчиларга қулай шароит яратилмаган. Кўп бригадаларда дала шийпонлари йўқ. Ғиждувон бошқармаси пахтакорлари туркманистонлик мусобақадошларнинг маслаҳатларига тўла амал қилиб, ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатишлари лозим.

М. БАҚОЕВ,

ТОШКЕНТ

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари етти йилликнинг олтинчи йилида она-Ватанга 66 минг тонна пахта, 140 минг тонна канап етказиб беришга бел боғлаганлар.

Мусобақадош Тожикистон ССРдан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари областнинг ана шу йирик пахтакор бошқармасида икки кун бўлиб, 22 колхоз ва 5 совхозда ғўза парвариши, дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалалари билан қизиқдилар. Меҳмонлар Свердлов номли, Ленин номли, «Заря коммунизма», «Ленинград», Войтенцев номли колхозлар ҳамда 1-«Оққўрғон», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 2-«Оққўрғон» ва бошқа қатор хўжаликларни бориб кўрдилар. Свердлов номли колхоз (раиси Д. Сафаров) пахтакорлари 595 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган. Бу шарафли ваъданинг устидан чиқиш учун пухта замин тайёрланяпти. Аммо колхозда болалар боғчаси ва яслилари, дала шийпонлари қуришга, уларни безатишга етарли аҳамият берилмаётир.

Колхознинг Абдижалил Холматов бошчилик қилаётган 4-бригадасида ачинарли аҳволга дуч келиндик. Нотўғри суғориш натижасида ғўза эзилиб қолган. Эргаш Ҳайдаров бригадасининг 28 гектарлик участкасидаги ғўзалар четдан қарасангиз яхши, бир текис ривожланаётгандек туюлади. Аслида эса ғўзанинг ғовлаб кетиш хавфи бор. Ғўзаларнинг бўйи айрим жойларда ярим метрга етган бўлса ҳам ҳар тупда атиги 2-3 шона бор, холос.

— Дала шийпонингиз борми? Боғча ва яслилар-чи? — Меҳмонлар колхоз раиси Д. Сафаровга ана шу саволлар билан мурожаат қилиб, бир қолипдаги «йўқ» деган жавобни олдилар.

— Колхознинг бўлинмас фондида пул борми? — деб қизиқади Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳалимахон Ширинова.

— Бор, — дейди раис ғурур билан. — 1 миллион 400 минг сўм маблағимиз бор.

Афсуски, ана шу маблағ дала шийпонлари ва боғча-ясли бинолари қуриш учун сарфланмаётир.

Войтенцев номли колхознинг ўртоқ Орзуев бошлиқ 11-звеносига қарашли 15-20 гектар майдондаги ғўзаларни бегона ўт босиб кетган, минерал ўғитлар пайкал четларида тартибсиз тўкилиб-сочилиб ётибди. Ваҳолонки, колхоз раиси ўртоқ Бўриев «Ўғит берингдар!» деб бошқармага, партия комитетига сим қоқавериб, раҳбар ходимларнинг қулоғини коматга келтирган эди. Бошқармадаги «Ленинобод», «Коммунизм», «Партия XXII съезди» колхозларининг баъзи участкаларида экиннинг ашаддий душмани — зарпечакка қарши кураш олиб борилмаяпти. Ғўзаларни суғоришда агротехника қоидаларига риоя қилинмаётир.

Свердлов номли, Ленин номли, «Ленинград» колхозларида ғўза қатор оралари саёз культивация қилинган. Культивация 2-3 сантиметр чуқурликда ўтказилган.

— Нега трактор культиваторлари бекор турибди, — деди Ретар бошқармасидаги Ленин номли колхоз раиси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Асқарали ака Мирзаев. — Бу нотўғри. Бундай аҳволга чидаб бўлмайди. Кечирасизлар, халқимизда «дўст ачитиб гапиради», деган мақол бор.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Янгийўл бошқармасидаги «Коммунизм», «Ленинизм», Киров номли, Свердлов номли, «Қизил Октябрь» ва бошқа хўжаликларда ҳам бўлдилар.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.

Илғорлар тажрибасидан

ЕРНИНГ ТОБИНИ БИЛИБ ИШЛАШ КЕРАК

Ҳакимполвон ҚОДИРОВ, Бўка бошқармасидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мен 20 йилдан бери бригадирлик қиламан. Илгари бизнинг ерларимизда пахтадан жуда кам ҳосил олинар эди. Пахтачиликда янги агротехника усуллари жорий қилиниши, айниқса чигитни квадрат-уялаб экиш, қатор ораларини механизация билан ишлаш кенг йўлга қўйилиши орқасида бригадамиз кейинги 11-12 йил мобайнида ҳар гектар ердан 38 центнердан тортиб 45 центнергача ҳосил етиштириб келмоқда. Ўтган йили 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтардик. Бригадамиз аъзолари бу йил 120 гектар ерга чигит экиб гектаридан пландаги 36 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Колхоз бўйича ўртача ҳосил 25 центнердан ошмагани ҳолда бригадамизнинг йил сайин бундай юқори ҳосил олиб келишига сабаб нима?

Маълумки, юқори ҳосил олишнинг энг асосий шартлари ерни кузда чуқур шудгор қилиш, ҳайдаш олдидан яхшилаб текислаш, ернинг қувватига қараб ўғит солишдир. Лекин энг муҳими бу ишларнинг ҳаммасини тобида ўтказиб, тупроқни ва ундаги намни авайлаб сақлашдир. Аммо кўп жойларда ана шунга эътибор бермасдан тупроқни айнитиб қўядилар.

Бизнинг ерларимиз қора тупроқ, заҳроқ. Шудгорни тобида ишлаб, тупроқни етилтириб туриб экмасак, чигит текис униб чиқмайди. Униб чиқса ҳам нимжон бўлиб яхши ривожланмайди.

Биз ҳар йили экишни 10-20 апрель ўртасида ўтказар эдик. Бу йил кўкламда ҳаво паст келиб, ёнгинарчилик кўп бўлиши орқасида дала ишлари кейинга сурилиб, экиш кечикиб кетди. Шу сабабли бу йил экишни 27 апрелда бошлаб 8 майда тамомладик. Тупроқни етилтириб туриб оби тобида экишимиз натижасида ҳамма ерда чигит ернинг ўз намига тез ва бир текис униб чиқди. Ҳар гектар ерда белгиланган 95-100 минг туп кўчат бўлди.

Чигит ердан кўкариб чиқиши билан бутун куч ва эътиборимизни экишдаги 10-15 кунлик кечикишнинг ўрнини тўлдиришга қаратиб, ёш ниҳолларни парвариш қилишга киришдик. Қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш билан бир вақтда ўғитни икки томондан ғўзаларнинг томирига яқинлаштириб солдик. Бу эса ёш ғўзаларнинг тез амал олишига ёрдам берди.

Бу йилги шароитда ғўзани суғориш жуда усталикни талаб қилади. Чунки ер сернам бўлди. Ана шуни ҳисобга олмасдан эрта суғориб қўйилган жойларда ёш ғўзалар эзилиб қолди.

Биз ўз еримизнинг шароитига, ғўзанинг ўсишига қараб суғоришни жуда эҳтиётлик билан ўтказмоқдамиз.

Ҳозир ҳамма ердаги ғўзаларимиз текис шоналамоқда. Экишдаги кечикишни қувиб етдик, десак бўлади. Ҳар йилги мўлжалимиз бўйича чиллаки чумак уриши билан — 22-23 июнда ғўзаларимиз ғулга киради.

Бу йил ҳамма ерда кўчат текис бўлди. Энди ана шу кўчатларни кузгача тўла сақлаб қолиш, шона ва гулларни кўпайтириш, уларни бўлиқ кўсакка айлантириш механизатор билан сувчига боғлиқ. Агар трактор ишининг ўзи тўғри ташкил қилиниб, қатор ораларини ишлаш суғориш билан боғлаб олиб борилмаса, бор кўчатларнинг бир қисмини йўқотиш, ғўзанинг тобини айнитиб қўйиш мумкин. Баъзи жойларда тракторчининг ишига яхши эътибор берилмаслиги орқасида қатор ораларини ҳар бир ишлашда 10-15 процент кўчатни нобуд қилиб қўядилар. Бу эса умумий ҳосилга катта зарар етказади.

Ана шунга йўл қўймаслик учун биз трактор ва сувчиларни маълум участкаларга бириктириб қўйиб, улардан қаттиқ масъулият талаб қиламиз, шу билан бирга кундалик ишни доим назорат қилиб турамиз.

120 гектар пахта майдони 40 гектардан учта тракторчига — Жалил Соипов, Маннон Қўшаев, Тўйчи Тожиев ўртоқларга бириктириб қўйилган. Улар биринчи культивацияда ишни қайси қатордан бошлаб, қаерда тугатган бўлсалар, кейинги культивацияларда ҳам худди ўша издан юриб, тракторни ўша издан қайтариб ишлайдилар.

Бизнинг пахта далаларимиз яхлит, текис карталардан иборат. Тракторларни калта буриб ғўза тупларининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун биз яхлит карталарни бир вақтда сувдан чиқариб, бир вақтда етилишини мўлжаллаб суғорамиз. Бунда сувчи билан тракторчининг ишини бир-бирига боғлаб олиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг еримиз шундайки, суғоришдан кейин тупроқ етилган замони культивация қилинмасдан бир-икки кун ўтказиб юборилса, тезда қотиб, кесак кўчиб кетади. Бу эса ғўза тупларининг қўпорилиб кетишига, илдизининг шикастланишига сабаб бўлади. Шуни ҳисобга олиб биз ҳар бир картани суғоришда унинг қачон етилишини, культивация қачон бошланиб, қачон тамомланишини олдиндан мўлжаллаб иш кўрамиз. Бу борада Абдуалим Сатторов, Мусулмон Қурбонов, Ҳаким Йўлдошев каби сувчиларимиз кўп йиллик тажрибага эгадирлар. Биз уларнинг меҳнатини қадрлаймиз. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг сувчининг ролини ошириш тўғрисидаги қарори асосида яхши ишлаган сувчиларни рағбатлантириш учун уларнинг меҳнатига 10 процентдан 20 процентгача қўшимча ҳақ беришга қарор қилдик.

Бригадамизда ҳар бир кишига салкам 5 гектардан пахта майдони тўғри келади. Жами 500 тонна пахта етиштиришимиз керак. Оз куч билан шунча пахта етиштиришда биз энг аввал техникага суянамиз. Қўл кучини кам сарфлаб, механизация воситаси билан юқори ҳосил етиштириш пахтанинг таннархини арзонга тушириш билан кўп даромад олишни таъминламоқдамиз. Бригадамизнинг барча аъзолари доим ана шуни кўзлаб иш тутадилар.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхознинг сувчиси Абдували Обилов кун сайин норманн бир ярим баравар бажармоқда. У ғўзани қондириб суғориш билан 2-бригаданинг гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашига муносиб ҳисса қўшмоқда. Суратда: сувчи ўртоқ А. Обилов иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

ҚАЛБИ ТОШ БЎЛГАЧ...

АХЛОҚ ТЕМАСИДА

Фарзанд! Бу сўзда инсон бахти гаволаланади, чексиз меҳр-муҳаббатнинг маъноси ифодаланади. Ҳа, фарзанд ҳамма учун ширин. Шундай экан, фарзандинг замондошларимиз сафидан муносиб ўрин олиши учун уни ёшлик чоғларидан тўғри тарбиялаш — отаонанинг муқаддас иши, виждон иши, инсоний бурчидир. Шу бурчни азиз ва мўътабар тутиб, ўғил ва қизларини қалб меҳри билан ўстираётган ҳурматли оналаримиз, оталаримиз кўп. Биз бундай кишилар номини қувонч, ғурур билан тилга оламиз.

Аммо, Мукаррамнинг ҳаётида юз бераётган аянчли қисса-бу ларга сира-сира ўхшамайди. Шукинг учун ҳам бу қизча бошига тушган мусибатни эшитганимизда аввал унга ишонқирамадик. Лекин кишилар билан гаплашилгач, суриштирилгач, ҳаммаси аччиқ ҳақиқат бўлиб чиқди.

... Мукаррам эндигина ўн тўрт ёшга қадам қўйди. Икки юзида табассум порлаб турган ёшгина қизнинг бошига қулфат тушди: меҳрибон онаси Муҳаррамхон Баҳодирова узоқ касалликдан сўнг вафот этди. Қизча одамларнинг ширин сўзига, руҳий мададига муҳтож эди. Аммо отаси Саидмаҳмуд Асқарҳўжаев фарзандини юпатиш, ўз қаноти остига олиб, унга далда бериш, етимлигини билдирмаслик, ўрнига уни ўйдан ҳайдаб чиқарди. Тош юрак отанинг бу қилиғидан қўни-қўшнилар, таниш-билишлар дарғазаб бўлишди.

— Ноинсоф, бу нима қилганинг? — деб сўрашди ундан.

Шунда ҳам бемеҳр, қалби тош ота бўш келмади:

— Мукаррам соғлиғи ҳақида докторлардан справка келтирсагина, уйга киритаман, бўлмаса — йўқ!..

Тошбағирнинг айтишига қараганда, Мукаррам онасининг бошида парвона бўлганида касал юқтирган эмиш. Ахир, онанинг кечалари бедор ўтириб, алла айтганлари, фарзандининг сал иссиғи чиққанда чеккан бир лаҳзаликкина изтироби учун бола бир бутун ҳаёти билан қарздор. Ахир, бир парча этни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмай жон пардасида асраган, бахтли бўл, деб ардоқлаган муштипар онанинг бошига оғир кун тушганда ким парвона бўлмайди? Фарзандда ота-онага, ота-онада фарзандга нисбатан ипакдай чайир, нурдай майин, қўшиқдай латиф туйғу бўлмаса, ҳаёт тотли, рўзғор қутли бўлармиди?!..

Мукаррам онасининг тепасида парвона бўлган экан, яхши ота, балли қизим, онангнинг берган сутини энди оқладинг, демасмиди.

Бунинг ўрнига энди гулдек очилиб келаётган фарзандан жирканадиган, марҳум онанинг руҳини ерга урадиган бу андишасизга нима деса бўлади! Фақат инсофсиз, тошбағир кишигина шундай қилиши мумкин.

Саидмаҳмуд билан ўн тўрт йил бир ёстиққа бош қўйган рафиқаси Муҳаррам тўққиз ой касалхонада ётди. Шу орада эри кичик мартагина касалхонага борди. Борганда ҳам хотинини кўриб, ҳол-аҳвол сўрагани эмас, унинг кўнглини кўтариш учун эмас, оқсинча, унинг ярасига туз сепгани, азоб бергани борди.

— Нега хотинингиздан хабар олиб турмадингиз? — деган саволга у сурбетларча жавоб берарди:

— Бекорчиликдан қўл тегмади.

Бу ўз умрдошига нисбатан риёкорлик, доғулилик эмасми! Бу аёл эринигина эмас, балки икки қайнанаю қайнатанинг, икки ўғай ўғлининг ҳам парвонаси эди. Бошига дард тушганида эса уни ана шу кишиларнинг баъзилари унутиб қўйишди. Саидмаҳмуд хотинининг дардли юрагини қора, ифлос тирноғи билан тимдалади. У касалхонага икки марта борди, бир гал: «Хотин, укангнинг машинаси одам босибди, уни қамаб қўйишди» деса, иккинчи сафар: «Хотин, бемалол, дардингни тортиб ётавер, мен ўйландим», — деди. Бемор юм-юм йиғлади, дардига-дард қўшилди. Аламига чидам беролмай, кўп ўтмай вафот этди...

Саидмаҳмуд Асқарҳўжаев янги хотини Шарофат Носирова билан биргаликда келган, балоғатга етмаган Равшангул исмли қизини ҳам мактаб қучоғидан тортиб олди, ўғлига хуфя никоҳлаб берди.

— Очиғини айтсам, — дудуқланиб жавоб берди маҳалла комиссиясининг раиси С. Мансуров, — Саидмаҳмуд Асқарҳўжаевга ҳеч қандай чора кўролмаяпмиз.

— Хўш, нега?!

Бу одам бирор масъулиятли вазифада ишламайди...

Бу гапларни эшитиб, Тошкент шаҳар, Октябрь район Ленинчи маҳалла аҳолиси бунақа «юксак савияли» одамни ўзларига нега раҳмано қилиб олишганларига ҳайрон қоласан, киши. Ахир, коммунизм жамияти қурилиши авж олдирилган ҳозирги даврда маҳалла комитетларига нақадар катта ҳуқуқлар бериб қўйилган. Коммунизм қурувчиси ахлоқ кодекси принципларига хиёнат қилувчи, фойдали меҳнатдан бўйин товловчи, мўмай пул топиш ғамида бозорма-бозор кезиб юрувчи, машиий жиҳатдан бузилган, оталик бурчини унутиб қўйган С. Асқарҳўжаев каби шахсларни жамоатчилик олдида шармисор қилиш вақти келмадимикин?

А. РАҲИМОВ.

СУВ ҚАЁҚҚА ОҚЯПТИ?

Танқид УТИ билан

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Мен Мирзачўлдаги 1-совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаяпман, 120 гектар еримиз бор. Ниҳолларимиз текис, гектарлар тўла. Лекин суғоришга келганда ароўйлда қолдик. Ярим ой мобайнида 18 гектар ердаги ғўзамиз суғорилди. Чунки 144 литр ўрнига 40 литр сув оляпмиз, холос. Бу ҳолда экинни қуритиб қўйиб, кузда — хирмон кўтариш пайтида ер чизиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Совхозимиз директори ўртоқ Кретовга ҳам партномимиз ўртоқ Расуловга ҳам бир неча бор мурожаат қилдим. Улар «ана ундай қиламиз, мана бундай қиламиз» билан вақт ўтказишяпти. Меҳнати зое кетаётган бригадамиз аъзоларининг кўзига қарашга номус қиламан. Мен чўлга комсомол йўлланмаси билан бу умидда келмаган эдим. Редакция ходимларидан илтимос, сувлар қаёққа оқаётганини бир чиқиб кўришса...

Ойдиной РИЗАЕВА,
бригада бошлиғи.

Шамол бўлмаса дарахтнинг шохи қимирламайди, деганларича бор. Шу қизғин дамларда забардаст машиналарнинг рулини ушлаб, қатор ораларини юмшатиш, экинни ардоқлаш ўрнига, қадоқ қўлларида қалам тутиб, арзнома ёзиш, идорама-идора сарсон юришга ойдинойларни нимадир мажбур қилган. Ойдинойга қўшни Баҳром Садиров, Эшбой Ғаниев бригадаларидан ҳам ана шундай ташвишли хабарлар келди.

Ойдиной чўлга келганидан бўён 5-6 йил «зангори кема»ларда пахта терди. Меҳнатсеварлиги, жонкуяр ва тиришқоқлигидан пахтакорлар уни ёқтириб қолишди. Бу йил бригадага бошлиқ бўлди. Бригаданинг 11 аъзоси яхши ишлашди. Бўлуқ, текис ғўзалар — улар меҳнатининг самараси. Энди кўз қувонаётганда сув можароси чиқди.

Нега? Совхозда ҳам, бўлимларда ҳам сув етарли-ку, экин майдонлари ҳисобга олиниб, тақсимланган-ку, дерсиз. Яхшиси, сув қаёққа оқаётганини бир кўрайлик:

Мана, 4-бўлим далалари. 35, 36, 37, 38-бригада майдонлари бир лотокдан суғорилиши керак. Ариқнинг бошида жойлашган Бозорбой Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари эса бошқа бригадаларга тегишли сувни гиппа бўғиб, ўз томорқаларидаги экинларга оқизишяпти.

— Суғоринглар-у, инсоф билан-да. Томорқага якшанба куни сув олинглар! — Ойдиной бригадаси сувчилари ўзларига тегишли сувни очмоқчи бўлишганда, Бозорбой бригадаси аъзолари қўлларида бел, кетмон билан уларнинг йўлини тўсишди. Қўлини белига тираб бу манзарани кузатиб турган Бозорбой эса:

— Қаерга арз қилсангиз, қилаверинг. Хоҳлаганимни қиламан. — деди керилиб.

Ҳа, Бозорбой бўлим бошқарувчиси Каримбой Усмонов, агроном Назиржон Тошхўжаев, гидротехник Пётр Панин ўртоқларнинг ҳам сўзига қулоқ солмай, ана шундай дадага қилган, Бунинг сабаби бор. Қўшни бригадалар ҳаддан ошган бригадирни тартибга чақириб, сувни оқилона бўламиз дейишганда, директор:

— Бозорбойга индаманг, ўз ишини ўзи билиб қилади у, — деб қўйди.

Ҳа, у ўз ишини «чиндан» ҳам билиб қиляпти. Ўзи ҳам, бригада аъзолари ҳам 15 сотих ўрнига ярим гектарлаб ерга сабзавот, полиз экинлари экиб, сувни ҳам, ўғит ва меҳнатни ҳам «эрка» далаларга сарфлашяпти. Ажаб, ишчиларга деҳқончилик қилиш учун совхоз даласидан ер ажратиб бериш шартмикин?! Қанча меҳнат, вақт сарф бўлади бунга. Совхоз ишчиларига ёрдам кўрсатишнинг бундан бошқача йўли йўқмикин? Бу — юлиб қочар бозорчиларга жуда қўл келяпти-ку! Область партия комитети ўтган йил бозорчи «деҳқон»лар тўғрисида қарор қабул қилиб, уларни анча тийиб қўйган эди.

Областда ғўзани суғориш ниҳоятда суст ва сифатсиз бораётганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Сирдарё области бошқармаларидаги хўжаликларга ҳозир 290 кубометр сув ажратилган. Лекин ана шу сувдан ниҳоятда ёмон фойдаланилмоқда. Область бўйича 205 минг 709 гектар майдонга чигит экилган, 10 июнгача фақат 52 минг 631 гектар майдондаги ғўза суғорилди. Бу — экин майдонининг 25,6 процентини ташкил этади, холос. Ҳолбуки, 25 июнгача ҳамма майдондаги ғўзалар бир марта тўла сувдан чиқарилиши керак.

Бу суськашлик ғўза парваришининг суръати ва сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса Гулистон, Киров, Пахтаорол, Сирдарё бошқармаларида ғўзани суғориш ниҳоятда пайсалга солинмоқда. Кейинги беш кунликда бошқармалар бўйича 26 минг гектар ердаги ғўза суғорилди, холос. Областда сувдан фойдаланиш коэффициенти жуда ҳам паст. Область сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи Елкин, сувдан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи Медведев ўртоқлар бу масала билан қизиқмаётирлар.

Айрим хўжаликларда сувни эгасизлантириб қўйиш ҳоллари содир бўлаётир. Пахтаорол бошқармасидаги «Ленин йўли» колхозида (раиси Н. Мирзандаев, партия ташкилотининг секретари А. Ойдинбеков, агроном А. Фозилбеков ўртоқлар) экин майдонларининг ярми ҳам ҳалигача суғорилмаган. Ўртоқ А. Мирзабоев бошлиқ бриганинг катта майдондаги ғўзасини эса сув босиб ётибди. Соат 5 бўлмасданоқ бригада даласида бирор киши кўринмайди, на сувчи на бригадир бор, бу ерда.

Обой номли колхознинг (раиси Ш. Турғунбоев, партия ташкилотининг секретари О. Қўчқоров ўртоқлар) «Прогресс» участкасида сув кўчаларга, жарларга оқизиб қўйилган. Ўртоқ Б. Жўраев бошлиқ бригадада эса сув ариққа сиғмай, пайкалларни қўллатиб юборган. Сирдарё бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда ҳам ана шундай манзарани кўрдик.

Область ташкилотларига берилаётган маълумотларга қараганда, айрим бошқарма ва хўжаликларда сувдан фойдаланиш коэффициенти жуда яхши. Аҳвол билан танишган киши бу маълумотларнинг сохталигини билади. Масалан, Янгиердаги 2-«Боёвут», 3-«Боёвут» совхозларида, Гулистон бошқармасидаги Калинин номли, «Ленинград», «Ленинский путь», Мичурин номли колхозларда ариқ ва зовурларга оқизиб қўйилган сув ҳам «Сувдан фойдаланиш коэффициенти»даги маълумотларга қўшиб берилган.

Сув — ҳосилнинг онаси, экиннинг қони, дейишади деҳқонларимиз. Ҳар литр сув ҳисобда бўлсин. Ариқ ва зовурларга, шахсий томорқаларга беҳуда оқаётган сувни исроф бўлаётган «оқ олтин» деб баҳолаш керак.

Т. МАМАНИЕЗОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» ходими.
С. НУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

100 СУВЧИ

Наманган бошқармасидаги Ленин номли колхозда Абдулла Йўлдошев, Абдулла Исабоев, Мутал Мирзаев, Аҳмаджон Сарваров каби 100 нафар тажрибали сувчи ишламоқда.

Улар ғўзаларни оби-тобида суғориб, мўл ҳосил учун курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу кунгача 725 гектар ердаги ғўзанинг ҳаммаси бир марта қондириб суғорилди.

И. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ОЛИҲИММАТ ОТАХОН

Охунбобоев бошқармасидаги «Ленин йўли» колхозида Фозил ота Умрзоқовни танимайдиган киши йўқ. Отахон ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган. У ўтган йили 50 гектар ер очиб, чигит экди ва гектаридан 26 центнер ҳосил етиштирди.

Ҳ. ОРИПОВ.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
20 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 142 (12.796).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Лайлатулқадр

Волхов дарёси қирғоғида жойлашган Георгиев собори-нинг руҳонийси Феодор 1864 йилнинг 9 сентябрь куни уйига қайтаётган экан. Ҳаво нлиқ, осмонда булутлар сузиб юрар, ёмғир ҳам томчиламоқда эди. Руҳоний ҳаддан ташқари маст бўлиб, узун яктагига ўралганча сўқмоқдан зўрга судралиб борарди.

Сокин тун. Фақат дарёнинг нарғи қирғоғидан сўлиқ чайнаган отнинг нишнаган товуши эшитиларди. Дарё устидан эса ёввойи ўрдаклар тўдаси қанот қоқиб учиб бормоқда. Уларнинг товушидан Феодор ҳушёр тортиб, ваҳима билан жарлиника тикилди. Шу пайт ўзи томон яқинлашиб келаётган ёруғ нуқтага кўзи тушди. Бу ёруғ нуқта бора-бора кат-талашиб, қанотларидан ўт чақнаб турган қушга айланди.

Эрталаб бу ерда кишилар, ўт қанотли қуш Феодорни жарга қулатмоқчи бўлгану, ленин нимадир халақит берганда у учиб кетган, деган гапни эшитишди. Қишлоқ бўйлаб янги пайдо бўлган қуш—лайлатулқадр ҳақида миш-мишлар тарқалди. Шундан буён қуёш ботиб кеч кириши билан кишилар осмонга тикиладиган бўлишди. Ёввойи ўрдаклар билан бирга қанотлари ўтдек ялтираб турадиган ўрдак ҳам учиб ўтадиган бўлди. Бу қуш сентябрнинг охирларигача учиб ўтиб, сўнг кўринмай кетди.

Лайлатулқадр ҳақидаги миш-мишлар бошқа қишлоқларга ҳам ёйилди. Архангельский атрофидаги қишлоқларда яшовчи овчилар бирданига иккита шундай қушни кўришган. Лекин уни ушлаб олиша олмаган. Ярославль ва Симбирский губерналарида кишилар қанотлари тунда ялтираб турадиган бойўғли, укки қушларини учратишган. Ҳаммадан ҳам Қора денгиздаги Лебяжьи оролида бўлган воқеа қизиқдир. Шу оролда яшовчи балиқчи севастополлик денгизчиларга қанотларидан ўт ёғилиб турган оққушни қўрганлигини айтган. Денгизчилардан бири бир неча тун оққушни пойлаб, уни отиб олишга муваффақ бўлган. Отилган оққушнинг фақат парлари ялтироқ эди, холос. Бу қушни балиқчининг уйига келтиришганда унинг қанотлари уйни ёритиб юборди. Бу ёруғликда ҳарфларни ўқиш ҳам мумкин бўлган.

Шундай қилиб, оққушнинг парлари уйни эрталабгача ёритиб турди. Лекин бу парлар эртаси куни Севастополга олиб борилганда ундан ёруғлик чиқмас эди. Эҳтимол, парлар қуриб қолгандир.

Ажаб, қушларнинг қанот ва парларидан бундай ёруғлик чиқиб туришига сабаб нима? Бунга сабаб қушларнинг парларида денгиз сувида учрайдиган ўзидан ёруғлик чиқарувчи микроорганизмларнинг борлигидир. Бундан ташқари айрим ўсимликлар ҳам тунда ўзидан ёруғлик чиқазиб туради. Табиатда жуда кам учрайдиган ана шу ҳодисаларнинг бўлиши афсонавий лайлатулқадр қуши тўғрисидаги ривоятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Дам олиш соатингизда

Қуёш консерваси

Олма ва нок, хушбўй мандарин ва апельсинлар — ҳаммаси қуёшнинг консерваси бўлиб, унинг нури ва иссиқлиги натижасида етилиб пишганини сиз биласиз. Лекин қуёш ҳароратидан ҳамма меваларнинг ва меваларнинг ҳамма томонлари бир хилдагидек бахраманд бўлолмайди. Шу сабабли меванинг бир томони тез пишиб, қизарса, иккинчи бир томони саргиш бўлиб қолади. Шунингдек бир дарахтдаги мевалар ҳам айни бир вақтда пишиб етилмайди. Агар қуёшнинг нурлари ва ҳарорати бу меваларга бирдек тушганда, улар бир вақтда пишар эди.

Англиялик Симон Гарольд меваларни тез пишириш усулини топди. У мевали дарахтларнинг танасига, шохларига конуссимон нур қайтаргичлар ўрнатиб, шохлардаги меваларнинг ҳаммасини бирдек нур ва иссиқликдан баҳраманд қила бошлади.

Симон Гарольднинг айтишича, бу усул меваларнинг тез пишиши билан бирга улар нинг таъмли ва хушбўй бўлишига ҳам ёрдам беради.

(«Знание—сила» журналидан).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ НАМОЙИШИ

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИГА САФАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

СТОКГОЛЬМ СССР Министрлар Совети раиси Н. С. Хрушчевнинг Скандинавия мамлакатларига сафари бутун швед халқининг диққат марказида турибди. Бу сафарга қизиқиш жуда катта. Стокгольм газеталари Н. С. Хрушчевнинг Копенгагенда бўлиши тўғрисидаги мақола ва репортажларга 2-3 саҳифаларини бағишлямоқдалар.

Газеталар, Дания пойтахти ҳурматли совет меҳмонини ғоят самимий кутиб олди, деб таъкидламоқдалар.

«Стокгольмс-тиднинген» газетаси биринчи саҳифанинг деярли ҳамма қисмини эгаллаган фотосуратларни «Шимолий Европада биринчи кун» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Бу фотосуратлар «Башкирия» теплоходининг Копенгагенга келишини, Н. С. Хрушчевнинг Е. О. Краг билан учрашувини, совет меҳмонларининг нацизм қурбонлари ҳайкалини зиёрат қилишларини тасвирлайди.

Швеция жамоат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари, шунингдек айрим гражданлари Н. С. Хрушчев номига хат юбормоқдалар. Улар ўз хатларида ҳурматли совет меҳмонининг яқинда Швецияга қиладиган сафарини қизғин табриклайдилар.

ОСЛО Норвегияликлар Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг визитини эҳтиёт билан ҳозирлаб турибдилар. Н. С. Хрушчевнинг Копенгагенда бўлиши тўғрисида телевидение орқали махсус эшиттиришлардан ташқари, Н. С. Хрушчевнинг Е. О. Краг билан ва Данияниинг бошқа давлат ҳамда сиёсий арбоблари билан учрашувларини суратга олган кинолентaлар кўрсатилди.

Копенгагендан олинган ва «Арбейдербладет» газетасининг биринчи саҳифасида берилган хабар «Хрушчев билан Дания ўртасида дўстона учрашув» деган сарлавҳа остида босиб чиқарилди. Мухбир Н. С. Хрушчев билан учрашувлар ғоят самимий вазиятда ўтаётганлигини таъкидлайди.

«Фрихетен» газетаси бошланган визитни табриклаб, қуйидагиларни уқтириб ўтади: «Бу визит шимолий мамлакатлар халқлари билан СССР халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг намойиши бўлади... Бутун вазият Н. С. Хрушчевнинг визити қутилган натижаларни беришига ва муваффақиятли ўтишига ёрдам беради. Визитнинг яхши натижалар билан тамом бўлиши шимол мамлакатларининг манфаатларига мос келади».

ХЕЛЬСИНКИ Финляндия газеталари Н. С. Хрушчев визитини кенг ёритмоқда. «Ууси суоми» газетаси визит «муваффақиятли бошланди», деб ёзади.

«Кескисуомалийнен» газетаси қуйидагиларни қайд килади: «Шимолий Европа нуқтаи назаридан қараганда, Н. С. Хрушчевнинг Скандинавияга визити энг муҳим сиёсий воқеадир». «Хувудстадсбладет» газетаси ёзади: «Бу визит халқаро кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишга ҳисса бўлиб қўшилади». «Кансан уутисет» газетаси бу визит «Совет Иттифоқи билан Скандинавия мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлади», деб ҳисоблайди. Газета Н. С. Хрушчевнинг сафари «халқаро минбарда жуда катта аҳамиятга эга» деб таъкидлайди.

ЛОНДОН Инглиз матбуоти Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Скандинавия мамлакатларига қилаётган визитига катта эътибор бермоқда.

«Дейли экспресс», «Дейли телеграф», «Дейли мейл» газеталари ва бошқа газеталар Н. С. Хрушчевнинг Копенгагенда бўлиши тўғрисида ва данияликларнинг уни кутиб олиши тўғрисида ўз мухбирларининг хабарларини босиб чиқардилар.

Бир қанча газеталар Совет ҳукумати бошлиғининг Копенгаген муниципалитетида сўзлаган нутқининг айрим ўринларини босиб чиқарди. Кўп газеталарда Н. С. Хрушчевнинг Дания бош министри Краг билан учрашувини тасвирловчи фотосуратлар босилди.

Н. С. ХРУШЧЕВ МАКТУБИГА ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАВОБИ

Индонезия Республикасининг президенти Сукарно СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг жаҳондаги мамлакатларнинг давлат (ҳукумат) бошлиқларига 1963 йил 31 декабрдаги мактубига юборган жавобида, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш проблемаси жаҳондаги ҳамма одамларнинг диққат марказида турибди, деб мактубда баён қилинган фикрга тўла қўшилганлигини билдирди.

Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципига асосланайлик, деб ҳамиша даъват қилиб келмоқда. Бу принцип, дейилади жавобда, ҳақиқатан ҳам тинчликка интилаётган ҳамма давлатлар қўллаб-қувватлаши учун муносиб бўлган доно принцип эканлиги шак-шубҳасиздир. Индонезия шу принципни қўллаб-қувватлаётган давлатлардан биридир.

Президент Сукарно таъкидлайдики, менинг фикримча, мустақил давлатлар ўртасида чегараларни белгилаб қўйиш тўғрисидаги низолар замирида аксарий ҳолларда империалистик қучларнинг чегара конфликтларидан ўзларининг янги мустамлакачилик сиёсати манфаатлари йўлида фойдаланишга интилаётганликлари яширинни ётади.

Шу муносабат билан, деб ёзади сўнгра президент, мен Калимантан оролида Индонезия билан чегарадош бўлган «Малайзия»ни тузишдан иборат янги мустамлакачилик лойиҳасига қарши Индонезия томонидан ўтказиб келинаётган конфронтация сиёсатини кўрсатиб ўтмоқчиман. Ушбу хатим билан мен Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқи Индонезия ҳукумати ўтказиб келаётган Малайзияга қарши конфронтация сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлиги учун бутун индонез халқи номидан миннатдорчилик изҳор қиламан.

Мен аминманки, жаҳонда ҳамма халқлар ва мамлакатлар мустамлакачиликдан ва унинг қолдиқларидан чинакам халос бўлиб олгач, ҳамма халқлар ўзини яна ҳавфсиз деб ҳис қила бошлайди, бинобарин, чегара низоларини тинч бартараф қилиш тўғрисидаги умумий битим баъзи мамлакатларнигина эмас, балки барча мамлакатлар ва халқларни қамраб олади.

Бу гап чегара масалаларини тинч ҳал қилиш ҳақида халқаро битим тузиш тўғрисидаги Сизнинг даъватингизни амалга ошириш кечиктириб турилиши ёки сусайтириб қўйилиши керак, деган маънони билдирмайди, албатта. Империалистларнинг ва мустамлакачиларнинг «чўнтак»ларига яқин жойлашмаган ёки чегарадош бўлмаган суверен мустақил давлатларга келганда, бу масалани ҳал қилиш йўлида куч-ғайратлар сарфлашни давом эттира бериш зарур. Лекин шу фикрни айтиш билан, мен тугатилиши лозим бўлган сабабларни кўрсатиб ўтмоқчиман, холос. Башарти биз биргаликда қўйган мақсадимизга етишишни, чунончи, бутун дунёда чинакам тинчлик, халқаро тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик, бутун дунёда инсониятнинг қардошлиги, ҳақиқий озод ва суверен миллатлар ўртасида дўстона ҳамкорлик ўрнатишни, хуллас, мен турли ҳолларда кези келганидан фойдаланиб, кўпинча ошкора гапирганимдек, империализмдан, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликдан холи бўлган, бир миллат иккинчи миллатни эксплуатация қилишидан, киши кишини эксплуатация қилишидан холи бўлган янги дунёга эришишни истасак, ана шу сабабларни тугатишимиз керак.

МОНТЕВИДЕОДА НАМОЙИШ

МОНТЕВИДЕО, ТАСС мухбири Е. Ельшов хабар беради:

Бу ерда Уругвай меҳнаткашларининг «Фитнига йўл йўқ» деган шиор остида оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг колонналари Озодлик майдонига кириб келди. Шу ерда маҳаллий реакциянинг антидемократик тайёргарликларига қарши норозилик митинги бўлиб ўтди.

Митингда сўзлаган нотиқлар ҳозир бўлган кишиларнинг маъқулловчи қарсаклари остида айтдиларки, башарти «маҳаллий гориллалар» уясидан бош кўтариб чиқадиган бўлса, ишчилар сўздан амалий ишга ўтади.

Халқнинг давлат тўнтариши хавфига қарши қаратилган оммавий чиқишини қувватлаш юзасидан неча мамлакатда 24 соатлик ялпи забастовка эълон қилинди. Забастовкачиларнинг мурожаатида бундай дейилади. «Биз давлат тўнтариши қилишни эмас, балки проблемаларимизни ҳал этиб беришни талаб қиламиз, демократик галабаларни ҳурматлашни, моддий турмуш шароитларини яхшилашни, барча мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилишни, ер ислоҳоти ўтказишни, ажнабийларга қарашли корхоналар устидан контроль ўрнатишни талаб қиламиз».

АМЕРИКА ДИПЛОМАТЛАРИ АРАЛАШМОҚДА

БАЙРУТ, 18 июнь. (ТАСС). Маҳаллий сиёсий доираларда Ливан ҳукумати Американинг Байрутдаги элчиси Мейерни «отпускага чақириб олиш»ни илтимос қилиб, Вашингтонга хат юборди, деган гапни айтмоқдалар, деб хабар беради ҳафталик «Куль шей» газетаси.

Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, Американинг Ливандаги дипломатик вакиллари президент сайлови кампаниясига аралашмоқдалар, Ливан жамоатчилигига тазйиқ кўрсатиб, Қўшма Штатларга кўпроқ маъқул бўладиган президентни сайлатиб олиш учун ҳамма йўллар ва воситаларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ливандаги сиёсий ва расмий доиралар, деб ёзади жумладан «Аддунё алжадида» газетаси, Америка дипломатларининг ва аввало элчи Мейернинг Ливан ишларига аралашаётганлигидан газабланмоқдалар.

ҚИММАТЛИ ҲИССА

ЖАЗОИР, 17 июнь. (ТАСС). Миллий экономика министри Башир Бумаза Жазоирдаги АПС матбуот агентлиги билан қилган суҳбатида Жазоирнинг ташқи иқтисодий алоқаларини, жумладан Совет Иттифоқи билан қилаётган алоқаларини тавсифлаб берди.

Министр Жазоир—Совет битимларининг муҳимлигини таъкидлаб бундай деди: «Совет ёрдами фақат Жазоирни индустрлаштиришга қаратилган эмас. Бу ёрдам бошқа соҳаларга, қишлоқ хўжалигига, транспортга ҳамда мамлакат экономикасини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган техника кадрлари тайёрлашга ҳам татбиқ этилади».

«Жуда кўп лойиҳалар амалга оширилади, — деб сўзини давом эттирди Бумаза, — бу лойиҳаларни ўрганиш бир неча ойдан буён давом этмоқда».

Министр қишлоқ хўжалиги соҳасидаги совет ёрдамининг муҳимлигини таъкидлаб гапирди. «Етказиб берилаётган тракторлар ва машиналар, — деди у, — деҳқонларимизнинг ҳосилсиз ерларни ўзлаштиришларига, энг яхши шароитларда ишлаб, кўпроқ маҳсулот етиштиришларига имкон беради».

«Ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши, — деб уқтирди Бумаза, — ишсизликни жиддий равишда камайтиришга имкон беради».

«Совет ёрдами, — деди у, — экономикамизга ривожланиш имкониятини берадиган қимматли ҳисса бўлади ва оқибатда Жазоирнинг иқтисодий мустақиллик йўлидан яна бир қадам қўйишига имконият туғдиради».

Министр Аннаба шаҳри районида металлургия комбинати қурилишида СССРнинг бераётган ёрдамига ҳам батафсил тўхталди.

260 МИЛЛИОН КИШИ НОМИДАН

НЬЮ-ЙОРК, 18 июнь. (ТАСС). Жанубий Африка Республикасидаги сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун жаҳон кампанияси қатнашчиларининг петициясига 91.691 имзо чекилди. Бу петицияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Танга Кейптаунниинг собиқ архиепископи Бланк топширди. 30 мамлакатнинг 260 миллион кишиси иродасини ифодалаган бу петицияга жаҳондаги жуда кўп мамлакатларнинг машҳур сиёсий, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, президентлари ва бош министрлари, парламентнинг 500 аъзоси, 700 юрист имзо чекди.

Петиция Нельсон Манделла, Уолтер Сисулу ва Жанубий Африка Республикаси ҳукуматининг одамхўрлик апартеид сиёсатига қарши бошқа курашчиларни озод қилишни талаб қилмоқда.

АНДИЖОН ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхози марказида янги кўркам бино қад кўтарди. У кенг истеъмол товарлари билан савдо қилишга мўлжалланган қишлоқ магазинидир. Суратда: магазин пойафзал бўлимининг сотувчиси М. Абдуллаева харидорларга пойафзал танлашда ёрдамлашяпти.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

<> <>

КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗДА

МЕДИКЛАР ДАЛАДА

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРИ С. ШОКАРИМОВ АНДИЖОНДАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИБ, ХУЖАОБОД РАЙОН МЕДИЦИНА-САНИТАРИЯ БИРЛАШМАСИНИНГ 30 ДАН ОРТИҚ ВРАЧ, ҲАМШИРА ВА ФЕЛЬДШЕРИ КОЛХОЗЧИЛАР ОРАСИДА ЛЕКЦИЯ ҲАМДА СУҲБАТЛАР ЎТКАЗГАНИНИ ҲАМДА КОЛХОЗЧИЛАРГА МЕДИЦИНА ЁРДАМИ КУРСАТГАНИНИ БИЛДИРДИ.

АРТЕЗИАН ҚУДУҚЛАРИ

Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхози аъзоларини тоза сув билан таъминлаш мақсадида,— деб ёзади «Авангард» бошқарма газетаси босмахона ходими Р. ОЧИЛОВ, — Ўват, Бегиш ва Дарҳон қишлоқларида артезиан қудуқлари қазилди. Колхоз правлениеси яна 6 та артезиан қудуғи қазишга қарор қилди.

Қарши шаҳар қурилиш-монтаж бошқармаси қудуқларни қазишга киришди.

ЯНГИ МАКТАБ

Когон шаҳрида беш қаватли 11 йиллик янги мактаб биноси қад кўтарди, — деб хабар қилди бухоролик ёш мухбир А. САМИЕВ.—Мактаб биносида спорт зали, ошхона, кутубхона, ўқиш ва устахона заллари бор.

Янги мактаб биноси 1 сентябрь куни ишга туширилади.

САМБОЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкент шаҳар Армия спорт клубида уч кун давомида 99 самбочи Узбекистон биринчилиги учун курашди. Мусобақада СССР спорт мастери ва биринчи разрядли спортчилар кўпчиликни ташкил этди. Кескин спорт курашы натижасида Б. Мадаминов («Спартак»), В. Хадарцев («Динамо»), Ю. Ким («Буревестник»), Б. Цой (Армия спорт клуби), С. Алимов («Буревестник»), Р. Фозилов («Буревестник»), Е. Титов («Динамо»)лар ўз категориялари бўйича республика чемпиони унвонини олдилар.

Команда биринчилигида «Буревестник» биринчи, «Динамо» иккинчи ва «Спартак» жамияти учинчи ўринни эгаллади.

Ш. ҚОСИМОВ.

Ўзбекистон журналистлар союзида

Узбекистон Журналистлар союзи Узбекистон ССР Маданият министрлиги билан биргаликда Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишлаб, республика бадиий фотовиставкаси ташкил этади. Журналистлар союзи президиуми виставка шартларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Виставкага ўзбек халқининг пахта, дон, катта химия учун курашини, республиканинг етти йилликнинг бешинчи йилида экономика, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқларини акс эттирувчи 250 та оқ-қора тусдаги ва 25 та рангли бадиий фотография қўйилади. Асарлар шу йилнинг 1 сентябригача қабул қилинади. Фотовиставка қатнашчиларига жюри қарори билан энг яхши асарлари учун дипломлар ва қимматбаҳо совғалар берилади. Виставкада фотоҳаваскорлар ва фотоклубларнинг иштирок этишига алоҳида эътибор берилмоқда. Маданият министрининг ўринбосари А. П. Қаюмов раислигида 17 кишидан иборат виставка ташкилий комитети тузилди.

Президиум бир қатор ижодий масалаларни ҳам кўриб чиқди. Чунончи: республика, область ва ўлка газеталари редакциялари масъул секретарларининг Бутуниттифоқ семинари, шунингдек публицист журналистларнинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган семинари якунлари муҳокама қилинди. Бу семинарларда Узбекистондан 11 журналист иштирок этди. Улар ўзлари олган билимлар ва тажрибаларини ёш журналистларга ўргатмоқдалар. Ҳозиргача Тошкент ва Фарғонада Узбекистон Журналистлар союзи Тошкент ва Фарғона бўлимларининг ташаббуси билан ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари газеталари ва завод кўп тиражли газеталари редакциялари масъул секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Бундай семинарларни бошқа областларда ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам ўтказишга қарор қилинди. Партиявий публицистика жанрига алоҳида аҳамият берилиб, публицист журналистларнинг республика секциясини тузиш ва йил охирида «Ҳаёт талаблари ва публицист» деган темада семинар ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Республика ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан ўзбек халқининг меҳнат жасоратини кўрсатиш, коммунизм қурувчиларининг юксак ахлоқ идеалларини очиб бериш учун журналистиканинг барча жанрларидан ва айниқса очерк жанридан фойдаланиш жуда муҳимдир Президиум қарорига мувофиқ шу йил 30 июнда Фарғона шаҳрида ўтказиладиган Фарғона ва Андижон областлари очеркчи-журналистларнинг тармоқ семинари ана шу темага бағишланади. Бу семинарда Валентин Овечкин, Назир Сафаров, Аҳмад Раҳмат ва бошқа ёзувчилар иштирок этадилар.

Президиумда республика газеталари редакторларининг иштирокида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ижодий ходимларининг ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада яхшилашга бағишланган кенгаши якунлари муҳокама қилинди, шунингдек, вақтли матбуот рассомлари секциясининг иш плани кўриб чиқилди. Бу иш планида газета ва журналларнинг бадиий ва полиграфия безагини янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланган.

ТИНГЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

РАДИО

20 ИЮНДА

Биринчи программа: 7.45 — Кичик концерт. 8.25 — Шу куйларимиз қўшиқлари, 9.25 — В. Мейен. Сюита, 9.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тожик тилида). 10.10— Пионер эрталиги. 10.30 — Концерт. 11.25 — Концерт. 12.15 — Реклама ва эълонлар. 13.30 — Концерт. 15.30 — Жаҳон халқлари куйлари. 16.00— Музиклари соат (ёшлар учун, ўзбек тилида). 17.00 — Янги ҳикоялар (ўзбек тилида). 17.20 — Уйғур куйлари. 18.00 — Симфоник музика. 18.30 — Украин қўшиқлари. 19.20 — Озарбайжон куйлари. 20.00 — Ешлар учун (ўзбек тилида). 20.15 — Эстрада-рақс куйлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

21 июнда

«А» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:

«Пахтакор» (Тошкент) — «Локомотив» (Челябинск) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

кинотеатрлар экранига

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ:

ДЕНГИЗ СЎҚМОҒИ

НОМЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ

Сценарий авторлари — **А. Салуквадзе, Р. Чейшвили.**

Постановкачи режиссёр — **Резо Чхеидзе.**

Ролларда:

Серго Закариадзе, Русудан Паремузашвили ва бошқалар.

«Грузияфильм» киностудияси ишлаган.

ТИРИКЛАР ВА ЎЛИКЛАР

НОМЛИ ФИЛЬМНИНГ ИККИ СЕРИЯЛИ ОДДИЙ ВАРИАНТИ.

ЖАНУБИЙ СОҲИЛ ДЁЛИ

НОМЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ:

Сценарий автори — **Бўй Дин Ай.** Режиссёр — **Фам Ки Нам.**

Ролларда:

Ча Жанг, Ба Зу ва бошқалар.

1963 йилда Москвада бўлиб ўтган III Халқаро кинофестивалда Кумуш мукофот (ёш кинематографиянинг муваффақиятлари учун рағбатлантириш мукофоти) берилган.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

Ўзбек тилида: 7.00 — **Диафильм** (кичкинтойлар учун). 17.20 — **Телевизион янгиликлар.** 17.35 — **Телевизион фильм.** 17.55 — **Илмий-оммабоп фильм.** 18.15 — **Эстрада концерти.**

18.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 19.00 — **Телевизион янгиликлар.** 19.20 — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қарорлари амалга оширилади. **Янгилик ҳаётга киради.** 19.40— **Непалда икки кун** (ҳужжатли фильм). 20.00 — **Гўзаллик оламида.** 20.30 — **Раҳқоса Бибисара Бейшеналиева** (ҳужжатли фильм). 20.40 — **Фильм-концерт.** 21.25 — **Зигмунд Колосовский** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/VI да **Анда.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Париж сирлари — «ВАТАН», «НСКРА», «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

«Ошиқлар» ва «Пичоқлар» — «ДРУЖБА» (2-залда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Бомбай қизи — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қатъий ўйин — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 9 ярим, кундуз 1, 5 ва кеч 9 да).

Калоян — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Палиастоми — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 8 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 5 ва кеч 10-40 минутда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 4 дан).

28 ИЮНДА НУКУС ШАҲРИДА

Ўзбекистон ССРда ўтказиладиган 1964 йилги

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

учинчи чиқарилиш **БИЛЕТЛАРИНИНГ**

ютуқлар тиражи

БУЛАДИ.

Тиражда лотереянинг 4 разрядига 550.000 сўмлик 372.000 буюм ва пул ютуқлари, шу жумладан: 8 та «Москвич» автомашинаси, 20 та «Планета» мотоцикли, 16 та пианино, 20 та «Рекорд» телевизори, 16 та магнитофон, 120 та холодильник, 360 та гилам ва поёндоз, 120 та тикув машинаси, 120 та кир ювиш машинаси ва бошқа қиммати буюмлар, шунингдек пул ютуқлари ўйналади.

Лотерея билетларини сотиб олинг!

1964 йил 29 июнь кундуз соат 2 да. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй, акт зали) қуйидагилар химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

Б. Абдусаломов: «Коллигонум минимум алкалоидларини химиявий текшириш» деган темада.

В. Б. Леонтьев: «Баъзи алкалоидлар конформациясининг реакция қобилиятини комплекс ҳосил қилиш реакцияси ёрдами билан текшириш» деган темада.

Диссертацияларни университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Совет Узбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Узбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05694. ИНДЕКС — 64543. № Б — 142.